

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * ۱۹۳۱

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 12 октябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 81 (7484)

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИ КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКISTONDA
ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
АСОСЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасини ўзбек ва рус

тилларида кўп нусхада чоп этди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Аёнки, муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалардир. Президентимиз белгилаб берган вазифаларнинг устувор йўналишлари китобда батафсил кўрсатиб ўтилган.

Бу устувор йўналишлар куйидагилардан иборат. Энг муҳим устувор мақсад — тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади.

Иккинчи устувор йўналиш — мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат.

Учинчи устувор йўналиш —

бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодийнинг муҳим шарт бўлган эркин иқтисодий тамойилларини жорий этишдан иборат. Тўртинчи устувор йўналиш — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий этишдир.

Бешинчи устувор йўналиш — жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, яъни «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини ҳаётга жорий этиш демакдир.

Олтинчи устувор йўналиш — бу суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат.

Китобда таъкидланганидек, қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

Ниҳоят, еттинчи устувор йўналиш — бу барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Яъни, демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдир.

Зикр этиб ўтилган устувор вазифаларни амалга ошириш аввало ўзимизга, олижаноб мақсад-муддаоларимиз сари огишмай, қатъият билан боришимизга, ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар бири-мизнинг Ватан ва халқ олдидаги бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ эканлиги Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланган.

ЎЗА

БУТЎЖАТН КҮЖ БОЛАСИЖИЖТ ЎЙИЖЧОҚЛАРИ

ёхуд кўли гул тарбиячилар ясашган 70 мингта ўйинчоқлар баҳси

Мактабгача таълим муассасаларида турли ўйин воситалари орқали ва ўйинчоқлар ёрдамида таълим-тарбияни ташкил қилиш юқори самара беради. Бунинг учун улар қизиқарли, мукамал, керак бўлса таълимий-тарбиявий хусусиятга эга бўлиши талаб этилади. Шу мақсадда 1994 йилдан бошлаб ҳар йили мактабгача таълим муассасаларида «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган. Кун кеча яқунланган, яъни 10—11 октябрь кунлари мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика ўқув-методика Марказида бўлиб ўтган ушбу танловнинг республика босқичи янги-янги, бир-бирига ўхшамайдиган ўйинчоқларни ва уларнинг муаллифларини кашф этди.

(Давоми 2-бетда)



ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎЗБЕКISTONЛИКНИНГ
ИЖТИМОЙ
ҚИЁФАСИ
2-бет

ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИ
“УЧАСТКОВОЙ” ДАН
ТУБДАН ФАРҚ
ҚИЛАДИ
3-бет

ПСИХОЛОГИК
ХИЗМАТ ҲАММА
ВАҚТ, БАРЧАГА
КЕРАК
4-бет

ТИЛ — МИЛЛАТ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
КЎЗГУСИ
5-бет

ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ
ТАЪСИРИГА
ЧИЗГИЛАР
7-бет

ҚУЁШНИ КЎРАЁТГАН
АДИБНИ
БИЛАСИЗМИ?
8-бет

“НУР ЙЎЛИ”ДАГИ
ҲАЁТ БУЛОҒИ
9-бет

“ЮСУФ ВА
ЗУЛАЙҲО”НИНГ
МУАЛЛИФИ КИМ?
11-бет

ТВ ДАСТУРЛАР
14-бет

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDAALARIO'ZBEKISTON-AQSH
AKADEMIYASI OCHILDI

Toshkent Davlat iqtisodiyot universitetida joylashgan «Ta'lim tarmog'i» loyihasining resurs markazida O'zbekiston-AQSH akademiyasining ochilish marosimi bo'lib o'tdi. O'zbekiston Oliy va o'rta mahsus ta'lim vazirligi, «Ustoz» jamg'armasi, AQShning xalqaro taraqqiyot agentligi (YUSAID), mazkur davlatning mamlakatimizdagi elchixonasi hamkorligida ta'xis etilgan mazkur akademiya O'zbekistondagi ta'lim tizimini takomillashtirish, xususan, oliy o'quv yurtlarida dars berayotgan o'qituvchilarning malakasini oshirishga xizmat qiladi.

BUYUK IPAK YO'LI -
DO'STLIK YO'LI

O'zbekistonda «Buyuk ipak yo'li — do'stlik yo'li» madaniy-ma'rifiy dasturi

amalga oshirila boshlandi. Mazkur dastur O'zbekiston xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik va madaniy-ma'rifiy aloqalar jamiyatlari kengashi tomonidan «Amir Temur» ilmiy ekspeditsiyasi, «Kamolot-qonun» huquqiy markazi hamda mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan chet davlatlar elchixonalari bilan hamkorlikda bajarilmoqda.

YANGI O'QUV-USLUBIY
MARKAZ

Kadrlar tayyorlash milliy dasturida maktabgacha tarbiyani rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilgan. Unda maktabgacha yoshdagi barcha bolalarga maqsadli yo'nalishda ta'lim-tarbiya berishni tashkil etish vazifasi qo'yilgan. Shu maqsadda «Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar tarbiyasiga qo'yiladigan davlat talablari» va «Uchinchi mingyillikning bolasi» tayanch dasturlari qabul qilindi.

Ana shu hujjatlar talablari ijrosini ta'minlash yo'lida «Maktabgacha ta'lim muassasalari xodimlari malakasini oshirish va qayta tayyorlash o'quv-metodika markazi» ochildi.

ЎЗБЕКИСТОНЛИКНИНГ
ИЖТИМОЙ ҚИЁФАСИ

Ўтган 11 йил давомида юрти- мизнинг мустақил ривожланиши шароитларида чуқур ижтимоий ўзгаришлар юз бермоқда. Бу эса мамлакат фуқароларининг дунё- қараши, ижтимоий сиёсий жараёнлар, маънавий ва маданий қадриятларга муносабатига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳар хил омиллар таъсири остида ўзбекистонликларнинг янги ижтимоий ва маданий-маънавий қиёфаси шаклланимоқда.

10 октябрь куни «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида улар томонидан ўтказилган «Ўзбекистонликнинг ижтимоий қиёфаси» деб номланган социологик тадқиқот асосий натижаларининг тақдироти бўлиб ўтди.

Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси буюртмаси бўйича ўтказилган тадқиқотда республикамизнинг етти минтақасидан 1533 нафар респондентнинг фикри ўрганилган. Уларнинг 1172 нафари (76,5 фоиз) ўзбеклар, 124 нафари (8,1 фоиз) тожиклар, 114 нафари (7,4 фоиз) славянлар, 37 нафари (2,4 фоиз) татарлар, 27 нафари (1,8 фоиз) қирғизлар, 11 нафари (0,7 фоиз) қозоқлар ҳамда 48 киши (3,1 фоиз) бошқа миллатларга мансуб. Респондентларнинг миллий таркиби кўпмиллатли Ўзбекистон аҳолисининг асосий этник гуруҳлари вакиллари ўшбу тадқиқот-

да камраб олинганлигини кўрсатади.

Сўровномадаги «Сиз учун қайси ҳаётий қадриятлар устувор ҳисобланади?» деган саволга сўралганларнинг 62,6 фоизи «оила (болалар)» деб жавоб берган. «Бизнинг жамиятимизда инсон маънавияти шаклланишига нима кўп таъсир кўрсатади?» деган саволга ҳам кўпчилик (71,2 фоиз) «оила» деб жавоб берган.

«Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги сизга нима берди?» деган саволга 47,7 фоиз респондент «Эртанги кунга ишонч», 30,3 фоизи «Ўзбек халқининг ҳолисона тарихини билиш, буюк аجدодлар ҳаётини ўрганиш имконияти», 29,1 фоизи «Она тилини теранроқ ўрганиш, миллий байрамларни нишонлаш имконияти», 21,5 фоизи «Ўз келажагини эркин қуриш имконияти» ва ҳоказо жавоблар берилган.

Социологик тадқиқот муаллифларидан бири, профессор Озод Отамирзаевнинг таъкидлашича, бундан 15-16 йил аввал ўтказилган сўровда респондентларнинг аксар қисми «Оилада нечта бола бўлгани маъқул?» деган саволга «Худонинг бергани» деб жавоб берган бўлса, бу сафарги жавобларда аниқ рақамлар ифодаланган. Жумладан, сўралганларнинг кўпчилиги (34,6 фоиз) тўртта фарзанди бор оилани идеал оила деб ҳисоблайди. «Эр-хотин-

нинг ажралишига Сизнинг муносабатингиз қандай?» деб берилган саволга 57,9 фоиз ўзбекистонлик салбий муносабатда, 35 фоизи аниқ салбий муносабатда эканлигини айтган.

Тадқиқот муаллифлари бугунги ўзбекистонликнинг ижтимоий қиёфаси ҳақида шундай умумлаштирувчи хулоса чиқаришган: «Бугунги ўзбекистонлик ўз фарзандларини севувчи болапарвардир. Унинг 3-4 нафар боласи бор, у ўқиган ва меҳнатсевардир. Қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, ижтимоий соҳа, савдода ишлайди, пенсионер ёки уй бекаси, ўқувчи ёки талаба. Ўз халқининг аънаналари ва урф-одатларини, юксак ахлоқийлиги ва маънавиятини ҳурмат қилади.

Ўзбекистонликлар учун бағрикенглик, элатлараро сабр-тоқатлик ва маданий очиқлик, халқаро ҳаётга, ўз мамлакатининг ташқи сиёсатига ва хорижий давлатлар ҳаётига қизиқиш хосдир. У эътиқодли мусулмон, бироқ кўпчилиги дунёвий турмуш тарзини қўллаб-қувватлайди. Ватанпарвар, ўз Ватанини севади ва унинг келажагига ишонч билан қарайди, унинг янада равнақ топиши учун кўп иш қилишга тайёр».

Хусан НИШОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

БУТЎЖАТН КУЖ
БОЛАЛИКНИНГ ҲАЙЎТЧОҚЛАРИ

ёхуд кўли гул тарбиячилар ясаган 70 мингта ўйинчоқлар баҳси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Катта байрамга айланиб кетган ўшбу тадбирни республика Хотин-қизлар кенгашининг раиси Д.Ғуломова очгандан сўнг, халқ таълими вазири Р.Жураев, республика «Соғлом авлод» хайрия жамғармаси раиси О.Мусурмонова, ХТВ мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳ.Аҳмедова, чет эллик меҳмонлар, халқаро ЮНЕСКО ҳамда ЮНИСЕФ ташкилотлари вакиллари, мутахассис экспертлар ва бошқа мутасадди идораларнинг ходимлари миттигина, чумолидек ўйинчоқдан тортиб, то «тиганти» ўйинчоқларгача бирма-бир танишиб чиқишди.

Албатта, ҳар қандай курик-танлов ўзининг баҳолашни палласи билан қизиқ ва муҳим. Шунга кўра, танлов мезонлари асосида каттагина майдончани «Сирли ўйинчоқлар диёри»га

айлантиришган бунёдкор тарбиячилар меҳнати баҳоланди. Ҳакамлар ҳайъатининг терга ботиб ишлайдиган пайти доимо шу паллада бўлади. Чунки, бири иккинчисини тўлдирадиган, бири-бирдан пухта ишланган, энг асосийси, қўл меҳнатида яратилган ўйинчоқларни саралаш осон кечмади. Ўйинчоқлар йўналишларининг ҳам турфа хиллиги уларни шошириб қўйди. Ва ниҳоят, баҳсу мунозаралардан сўнг даъвогарларнинг бирварақайига 4 нафари 1-урин учун муносиб топилди. Булар: Юнусобод туманидаги 304-МТМ тарбиячиси Наталья Букраева ясаган мантиқий тафаккурни ўстириш бўйича ўйинчоғи, Нарпай туманининг 31-МТМ тарбиячиси Нишона Тошматова муаллифлигидаги иқтисодий билимларни ривожлантириш бўйича ясалган ўйин-

чоқлар композицияси, Андижон туманидан келган 8-МТМ мутахассиси Фарида Бутаханованинг «Ҳайвонот боғи» ўйинчоқлар композицияси ва ниҳоят Хатирчи туманидаги 4-МТМ тарбиячиси Насиба Ниёзованинг «Оила» миллий ўйинчоқлар композициялари бўлди.

Курик-танловнинг махсус мукофоти эса махсус болалар боғчалари учун ясаган ўйинчоқлари ва қўлланмалари учун Жиззах шаҳар «Ширин» МТМ тарбиячиси Мамлакат Эрматовга насиб қилди.

Фахрли иккинчи уриндан эса Жарқўрғон туманидаги 5-«Қалдирғоч» МТМ тарбиячиси Гулсара Матиеванинг лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбосини ўргатишга мосланган ўйинчоқлар таблоси, Дангара туманининг 4-МТМ тарбиячиси Шоҳида Акбарованинг «Коинот» ҳаракатланувчи ўйинчоқлар композицияси, Гулистон шаҳрининг «Қувонч» МТМ жамоаси, Паст Даргом туманининг 2-«Қалдирғоч» МТМ тарбиячиси Холниса Умурзоқованинг «Учинчи мингйилликнинг боласи» таянч дастури асосидаги «Учар ликопчалар» ва «Электроробот» ўйинчоқлар композицияси, Шаҳрисабз тумани 34-«Шодлик» МТМ мутахассиси Дилсўз Эргашеванинг «Ситора» дастаси композициялари жой олди.

Учинчи урин рўйхатига Қарши шаҳар «Юдузча» МТМ мутахассислари Дилбар Иномова,



Фарида Ханафеева, «Қувноқ китобчалар» дидактик ўйинчоқлари, Тошкент тумани «Эркатой» МТМ тарбиячиси Насиба Шамшиддинованинг «Кишнаётган тойчоғи» ўйинчоғи, Уйчи туманидаги 14-МТМ вакиласи Ёқуҳон Асрабаеванинг «Ёқимтой кенгуру»си, Бухоро шаҳар 34-МТМ тарбиячиси Ольга Кудряшеванинг кўпқиррали «Хушчақчақ ўйинчоқлар» композицияси, Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой тумани 4-МТМ вакиласи Тлеуқан Мамбетмуратованинг «Наврўз» миллий ўйинчоқлар композицияси, Ҳазорасп тумани 5-МТМ мутахассиси Илья Жуманазарованинг «Буюк ипак йули» ўйинчоқлар композициялари киритилди.

Шундан сўнг барча иштирокчилар меҳнати ҳурмат қилинган ҳолда яна 4 нафар иштирокчи ижодкорлар диплом билан тақдирландилар. Танлов шу билан яқунланиб қолмади. Балки, яна 14 нафар ўйинчоқ муаллифлари «Халқ таълими аълочилари» деб эълон қилинди.

Ўшбу мукофотлар, албатта,

қилинган меҳнатларни тақдирлаш ва рағбатлантиришнинг бир кўриниши. Энг асосийси, «Севимли ўйинчоқлар» курик-танловидан оммавий ишлаб чиқаришга мос, ҳар томонлама қулай ва мукамал ўйинчоқлар авлоди яратилди. Уларнинг андозалари билан бу ерга ташриф буюрган тадбиркорлар ҳам қизиқишди. Зеро, курик-танлов мақсадларидан бири ҳам ўйинчоқлар ишлаб чиқарилувида туртки бўлиш эди. Ният қиламизки, танловда қатнашган ўйинчоқлар ягона нухсалигича қолиб кетмайди ва қайсидир тугилажак ташаббуслар тўғайли кўпсонли болажонлар қўлига етиб боради.

Азиз газетхоҳ, Сизни бугун ҳисобот-материалимизда курик-танлов тафсилотлари билан умумий тарзда таништириб ўтдик. Кейинги сонларимизда эса ҳар бир голиб ўйинчоқлар сиридан воқиф қиламиз.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар



Бугунги кунда Республика ички ишлар идоралари тизимларида ўтказилаётган ислохотлар туфайли профилактика инспекторларининг хизмат шaroитлари яхшиланиши билан бирга уларнинг зиммасига бир қатор масъулиятли вазифалар ҳам юкланди. Шу муносабат билан биз Республика Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Аҳмад Усмановга бир неча савол билан мувожаат қилдик.

— Аҳмад ака, тинчликни таъминлаш биргина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасидаги вазифа эмас, токи бу ишга барча бирдай бош қўшмас экан керакли натижага эришиб бўлмайди, — деган гаплар жуда кўп айтилади. Бироқ амалда уларнинг ҳамкорлигидан кўнглингиз тўладими?!

— Қатор йиллар мобайнида Республика ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари ходимлари томонидан фуқароларнинг ҳушёрлиги ва зийраклигини ошириш, уларни тинчлик ишига жалб этиш мақсадида ўтказилган тадбирлар шуни кўрсатмоқдаки, куруқ гап билан фуқароларнинг ҳушёрлигини ҳам, зийраклигини ҳам ошириб бўлмайди. Айниқса, “Ҳой биродар, сиз бу ёққа юринг иккаламиз кечаси билан ўз маҳалламиз тинчлигини таъминлаймиз ёки қишлоғимиз одамлари мол-ҳолидан беҳавотир дам олишлари учун бир кеча ухламасак ухламабмиз-да”, деган гапларга тушуниб, “майли биродар бу савоб иш учун бажонидил сиз билан юраман”, дейдиганларни топиш қийин бўлавергач, халқ билан милиция ҳамкорлигини таъминловчи механизм яратишга зарурат туғилди.

Бунинг илк босқичини биз 1999 йил 15 мартда Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган “Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қароридан кўришимиз мумкин. Қолаверса, ушбу Қарор талабларини ҳаётга татиқ этиш мақсадида “Жазони ўташ жойларида озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруши органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш тўғрисида ҳам махсус Қарор чиқарилди. Ушбу Қарорда ички ишлар идоралари зиммасига ҳам аниқ вазифалар юклатилди. Фуқаролар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга жамоатчиликни қандай жалб этиш, бу ишларни ташкил этишда ички ишлар идоралари ходимларининг вазифалари, ўз-ўзини бошқариш органлари қошида Яраштириш комиссияларини ва ички ишлар идораларига кўмаклашувчи “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаларини қандай ташкил этиш ҳамда уларни қай йўсинда моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида ҳам аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиб берилди.

— “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари ташкил этилганидан сўнг ички ишлар идораларида, хусусан, маҳалла посбонлари билан бевосита фаолият юритувчи профилактика инспекторлари хизмат жараёнида ижобий ўзгаришлар рўй бердими?

— Аввало милиция таянч пунктларида профилактика

инспектори билан маҳалла посбонларининг ёнма-ён ўтиришининг ўзини катта ижобий ўзгариш дейиш мумкин. Қолаверса, посбонларнинг қишлоқ, овул ва маҳалланинг ўзидан чиққан мард, жасур ва фидойи йигитлардан саралаб олингани ва энг муҳими улардан ақсариятининг милиция соҳасига қизиқиши туфайли профилактика инспекторлари улардан нафақат жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда, балки бир қатор ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам фойдаланмоқдалар. Иккинчидан, ислохотлар туфайли профилактика инспекторлари хизмати кеча-ю кундуз олиб борилаётган пайтда улар

берилди, шарт-шароит яратилди, дея оласизми?

— Шак-шубҳасиз. Ислохотлардан олдин битта торгина хизмат хонасида номигагина фаолият кўрсатган милиция участка инспектори эндиликда профилактика катта инспектори сифатида ёнида икки-уч нафар профилактика инспекторлари ва ўнлаб маҳалла посбонлари билан фаолият юритаётганининг ўзи катта ўзгариш эмасми? Шунингдек, улар зиммасига милиция таянч пунктларида ички ишлар идораларининг жиноят қидируви ва терроризмга қарши кураш, хорижга чиқиш-кириш ва фуқаролик хизмати, патрул пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, тергов ва “Кўриқлаш” хизматлари ходимларининг фаолиятларини мувофиқлаштиришдек масъулиятли вазифа юкланди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла хотин-қизлар кўмиталари аъзолари, яраштириш комиссиялари, педагог-тарбиячилар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатган ҳолда иш олиб боришлари эса уларнинг илгаригидек тарқоқ ҳолда фаолият юритишига барҳам берди. Эн-

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ “УЧАСКОВОЙ” ДАН ТУБДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ

— дейди Республика Ички ишлар вазирлиги
Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси
бошлиғи, милиция полковниги А.УСМАНОВ

тунда фаолият юритишда жуда катта ёрдам беришмоқда. Масалан, Қашқадарё вилояти Қарши тумани “Насаф” ширкат хўжалиги маҳалла посбони Ж.Умиров ярим кечаси 20 дан зиёд қўйларни Лағмон қишлоғидаги ички йўлдан ҳайдаб кетаётган номаълум кишиларни кўриб қолади ва уларни тўхтатиб, қўйлар кимники эканлигини суриштиради. Ярим кечаси қўйларни ҳайдаб кетаётганидан шубҳаланиб, уларни милиция таянч пунктга олиб келади. Суриштирувга натижасида эса Қарши шаҳрида яшовчи Азизбек Собиров ва Мансур Исмаиловлар Кўчак қишлоғида яшовчи фуқаро Қўйли Узоқовнинг қўйларини ўғирлаб кетаётгани маълум бўлади. Худди шунингдек, Китоб тумани “Зарафшон” жамоа хўжалигининг маҳалла посбони сардори Жаҳонгир Абдуллаев ҳам “Наврўз” жамоа хўжалигининг ўртачил қишлоғида яшовчи фуқаро Пўлат Жабборовнинг 1 бош отини тунда ўғирлаб кетишидан сақлаб қолади. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтиришимиз мумкин.

Хуллас, маҳалла посбонлари асосан тунги пайтларда аҳоли тинчлигини таъминлашда, уларнинг мулкни жиний тажовбузлардан ҳимоя қилишда профилактика инспекторларига жуда катта амалий ёрдам беришмоқда.

— Ҳозирги профилактика инспектори олдинги “учасковой” дан нимаси билан фарқ қилади? Ёки айтайлик, ҳозирги хизмат жараёнини илгариги ҳолат билан таққослаганда тарозининг имтиёз палласини анча босиб кетадиган даражада имконият

дилликда улар маҳалла тинчлигини таъминлаш учун хўжакўрсинга у ёқдан-бу ёққа айланиб юрвучи ходим сифатида эмас, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтирувчи, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи, ёшларнинг маънавий ва маданий ҳордиқ чиқаришларига шарт-шароитлар яратувчи, ночор амалий ёрдамга муҳтож оилаларга имкон даражасида ёрдам берилишини ташкил этувчи, бир сўз билан айтганда маҳалла аҳолининг бир қатор муаммоли масалаларини ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатувчи энг яқин кўмақдош ва мададкор сифатида шаклланди.

Ислохотлар туфайли профилактика инспекторларининг иш самарадорлиги ошишига хизмат қилувчи бир қатор омиллар ҳам вужудга келди. Масалан, уларнинг фаолияти икки сменада кундузи ва тунда ташкил этилгани жиноятларни “иссиқ” изида очишга имкон туғдиради.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳам бир қатор қулай имкониятлар пайдо бўлди. Айтайлик, фуқаролардан тушаётган ариза ва шикоятларни бир киши эмас, балки уч-тўрт киши бўлиб ўз вақтида кўриб чиқиб, чора кўришга имконият туғилди.

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун оилавий жанжалларни муҳокама қилувчи яраштириш комиссиялари улар билан биргаликда фаолият кўрсатмоқда. Вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш мақсадида педагог-тарбиячилар ташкил этилди. Энг муҳими эса маҳалладаги опе-

Insonga xizmat qilayotgan islohot

ратив вазиятни доимий назорат остида ушлаб туриш учун «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ташкил этилди. Хуллас, шулар каби бошқа яна бир қатор омиллар вужудга келдики, улар ислохотларнинг инсонлар учун нечоғлик хизмат қилаётганидан далолат беради, албатта.

— Ислохотлар самараси ўлароқ, Республика ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси таркибида ташкил этилган фуқароларнинг жамоат уюшмалари билан ҳамкорликни ташкил этиш бўлимининг вазифалари нималардан иборат бўлади?

— Фуқароларнинг жамоат уюшмалари билан ҳамкорлик қилишни ташкил этиш бўлими Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармасининг таркибий қисмларидан бири бўлиб милициянинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминловчи бўлим ҳисобланади. Ички ишлар идораларининг “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари

амалий ва услубий ёрдам кўрсатади.

Маҳалла посбонларининг қонунчиликка қатъий риоя қилишларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий билим савиясини кўтаришга қаратилган чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

Маҳаллалар, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда раҳбарият билан профилактик мавзуларда учрашувлар ўтказилишини ташкиллаштиради. Мана ҳозир бу бўлим ходимлари икки йўналишда маҳаллаларда ва олий ва ўрта таълим ўқув юртларида учрашувлар ўтказишмоқда.

Хуллас, мазкур бўлимининг бир қатор янги вазифалари борки, уларнинг барчасини айтишга ҳолат йўқ, деб ўйлайман.

— Жамият ахлоқ-одоб соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишлари ҳам шу бўлим зиммасидами?

— Ҳа, жойлардаги жамоат ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимлари томонидан хизмат фаолияти жараёнида қонунчиликка амал қилишларини мутасадди маъмурий органлар билан ҳамкорликда назорат қилади. Аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш чоралари бўйича амалий ёрдам беради.

Фоҳишабозлик, бесоқолбозлик билан шуғулланувчи ва игна орқали гиёҳванд модда қабул қилувчи, гиёҳванд моддаларни тарқатувчи ҳамда ушбу машъум иллатга вояга етмаган ёшларни жалб этувчи шахсларни аниқлаш, ҳисобга олиш, шифокор текширувидан ўтказиш ҳамда ушбу ҳуқуқбузарликларнинг рўй бериш эҳтимоли кўп бўлган жойлар ҳақида ахборот тўплайди, кўрсатилган ҳолларни тугатиш бўйича тадбирлар ташкил этади.

Кўшмачилик ва фоҳишалар билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш мақсадида ётоқхоналар, меҳмонхоналар, автомобиль тўхташ жойлари, исловатхоналарни, турли мақсадларда чет элга сафар уюштирадиган ташкилотларга энгил табиатли аёлларни, фоҳишаларни етказиб берувчи баданфурушларни, вояга етмаганларни фоҳишаларга жалб этувчи шахсларни аниқлаш, ҳисобга олиш, уларнинг жиний ҳаракатларини ҳужжатлаштиришни назорат қилади. Ҳар бир аниқланган фоҳиша ва энгил табиатли аёлларда тери-таносил касалликларини аниқлаш учун тиббий муассасаларга юборилишини ташкил этишни назорат қилади.

Тегишли ташкилотлардан рухсатномасиз ва репертуар режасисиз сотаётган видео ва аудио тасмаларини тарқатиш-сотиш билан шуғулланувчи корхона ва савдо шахобчаларини аниқлайди, уларга нисбатан тегишли чоралар кўради.

Беҳаёлик, зўравонлик, шафқатсизлик ва жамият ахлоқига, айниқса вояга етмаганлар ҳамда ёшларнинг ахлоқига зарар етказувчи бошқа нарсаларни тарғиб қилиш ҳолларини аниқлаш бўйича махсус тадбирлар уюштирилади.

Видео кўрсатув хоналари, видеотасма ижараси, кабелли телевидение студиялари, босма хоналарни текширишлар чоғида мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни аниқлайди.

Сухбатдош Шухрат
РЎЗИЕВ,
“Маърифат”нинг
жамоатчи муҳбири



Бу йилнинг кекса авлодни қадрлашга бағишланганлиги барча жойлардаги кексаларга бўлган ҳурмат, уларга берилган эътиборни янада оширди. Жойлардаги бўлиб ўтаётган турли тадбирларнинг асосий моҳияти ҳам шу азиз инсонлардан ибрат олиб, қимматли насихатларини олишимизга чорлайди.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида халқ таъли-

ми соҳасида самарали меҳнат қилаётган фахрий ходимлар ва эндигина фаолият юритаётган ёш педагоглар билан "Авлодлар учрашуви" мавзусида маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Қарияларни қадрлаш йили, Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилиб, унинг ташкилотчилари Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий қўми-

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

2002 yil— Qariyalarni qadrlash yili

таси, Халқ таълими Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда вазирликлари бўлдилар.

Тадбир самимий руҳда ўтди. Фахриддин Умаров, Ҳожиакбар Ҳамидов, Севара Назархон, Илҳом Фармонов каби кўшиқчилар байрамга кўтаринкилик бағишладилар ва фахрий устозларга ўзларининг илиқ тилаklarини билдирдилар.

Қатнашувчилар санъаткорларга ва ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирдилар. Бухоро вилояти, Ф.Хўжаев туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси Ҳамида Фаттоҳова, жиззахлик педагог Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров, сирдарёлик Зебо

Жўраевалар юракдан чиққан самимий тилаklarини изхор этдилар.

—Бундай учрашувлар киши ёдидан ҳеч қачон кўтарилмайди, — дейди Хоразм вилояти Урганч туманидаги "Бинокор" мактабгача таълим муассасаси мудираси Гулчехра Маткаримова, — ушбу кун ёрқин ва қувончли хотиралар билан қалбларимизда умрбод сақланиб қолади.

Назokat ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири



Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Александр БЕЗРУЧКО
олган суратлар.

Психология қандай фан? Унинг қандай имкониятлари мавжуд? У кишилик жамиятининг тарихий тараққиётида қандай ўринни эгаллайди? Илм-фан даргалари бўлган бобокалонларимиз бу масалага қандай эътибор берганлар? Ҳозирги кунда у жамиятимиз ҳаётида қандай аҳамиятга эга? Психологиянинг истиқболлари нимада кўзга ташланади?

Бу каби долзарб саволлар барчамизни қизиқтириши табиий. Чунки психология ҳар бир кишининг ҳаётида асқотади, истаса-истамаса унга мурожаат қилади. Урганган манбаларнинг барчасида "психология" сўзи юнон сўзидан олинган бўлиб, psyche — рух, жон, қалб, "logos" — билим деган маъноларни бериши таъкидланган. Лекин, шу қўлланмаларнинг бирортасида рух, жон, қалб ҳақида яқиний, мукамал жавоблар берилмаган. Масаланинг нақадар муаммоли ва мавҳум эканлигини шундан ҳам билса бўлади. Психология соҳасига, психологик билимларга кишилик жамиятининг илк даврларидан бошлаб, етук шахслар у ёки бу томондан, у ёки бу даражада ўз фикр ва муносабатларини билдирганлар. Мутафаккир аждодларимиздан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, ал-Киндий, ар-Розий ва бошқаларнинг дурдона асарларида мавзуга оид қимматбахо фикрлар баён қилинган. Форобий ўзининг "Ақл маънолари тўғрисида", "Фозил одамлар шаҳри" каби асарларида инсон руҳий ҳолатларининг намоён бўлиши, ривожланиши ва ўзгариб туриши ҳақида турли қимматли фикрларни ёзиб қолдирган. Инсон ва унинг руҳиятига оид ахлоқий-фалсафий фикрлар баёни мужассам унда. Абу Наср Форобийнинг руҳиятга оид қарашлари унинг фалсафий фикрлари билан чамбарчас боғланган. Аллома материя ҳақида фикр юритар экан, унинг реал нарса ва ҳодисаларнинг асосини ташкил этиши, унинг пайдо бўлишида ҳеч қандай илоҳий куч аралашмаганлиги ва кейинчалик мустақил ривожланганлигини исботлашга ҳаракат қилган. Аллома чақалоқ дунёга келар экан, унда сезиш, хаёл, ақлий қувватлар юзага кела бошлайди, деб ҳисоблайди, Форобий "хаёл қилиш ва сўзлаш", "фикр юритиш", "ақл қуввати" инсонларгагина хосдир, деб таълимот беради. Инсон ўзининг шу қувватлари ва қобилиятлари билан ҳайвонот оламидан тубдан фарқ қилади. Руҳиятнинг вужудга келиши ва тараққий этишини, ташқи дунёга боғлиқлигини, инсон танасининг дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар таъсирига жавоб қайтаришини тушуниб етган, ҳар бир руҳий жараённинг моддий асоси борлигини таъкидлаган. Материя ва шакл алоҳида-алоҳида яшай олмагани каби инсон танаси ва руҳий жараёнлар ҳам айрича яшай олмайди, деб жуда тўғри таъкидлаган.

Буюк бобокалонларимиздан Абу Райҳон Беруний ҳам ўз асарларида инсон руҳияти ҳақида тўхталади, оламни билиш, тафаккур қилиш жараёнлари ҳақида маълумотлар келтиради. Инсон руҳияти жамият аъзолари билан муносабатда такомиллашиб борар экан. Аллома руҳият, онг ва тафаккур барча ҳодисаларнинг таъсири билан боғлиқлигини кўрсатади. Аммо, инсон нарса ва ҳодисаларнинг фақат сифат ҳамда хусусиятлари ҳақида билим берувчи ҳиссий билиш даражасида тўхтаб қолмайди, балки нарсаларни чуқур ва атрофлича билиш, шу нарсалар ҳақида фикр юритишни талаб қилади. Тафаккур, ақл туфайли инсон нарса ва ҳодисаларни бир-бири билан солиштириб, қислаб кўради, ўз билимларининг тўғрилигини аниқлайди, яъни билимларнинг воқеликка мосли-

ҳақида тасаввурга эга бўлмасдик", деб таъкидлаган эди Ибн Сино. Тиббиёт султони беморларни даволаш билан бир вақтда улар руҳиятини диққат билан кузатар, беморларнинг қандай суҳбатлашишини, нималарга қизиқишларини сўраб ўрганар эди. Ибн Сионинг беморлар психологиясига қизиқиши тор доирадаги шифо учун эмас эди. У беморларни кузатиш, суҳбатлашиш орқали олган билимларини, тўплаган маълумотларни таълим-тарбия масалаларига ҳам боғлаб олиб борди.

Инсон руҳий ҳолати билан унинг соғлиғи орасидаги боғлиқликни ўрганар экан, Ибн Сино умумий хулосалар қилиш билан кифояланиб қолмасдан, балки инсон ва ҳайвонлар устида қилган тажрибалар натижаларига таяниб қонкрет, алоҳида, муҳим хулосалар ҳам қилади.

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ҲАММА ВАҚТ, БАРЧАГА КЕРАК

гини текшириб кўради. Берунийнинг руҳ ҳақидаги қарашлари табиий ва илмий фалсафага асосланган эди. Аллома руҳ ва руҳият масалаларига ҳам жуда катта қизиқиш билан қараган. Ўзидан аввал яшаб ижод этган юнон, рим, Шарқ олимларининг асарларини таҳлилий ўрганган олим руҳиятга доир қарашларни тушуниб етган. Беруний руҳий жараёнларни барча одамларга хос деб билар эди. Ҳайвон руҳияти онгсиз характерда бўлса, инсон руҳияти эса онгли, мантикий фикрлашга, оқилона хулосалар чиқаришга қодир, деб кўрсатади аллома. Сўнгги йилларга қадар алломаларимизнинг руҳиятга доир қарашларини руҳият олими сифатида эмас, балки йирик файласуф олим сифатида тан олиш ҳоллари мавжуд эди. Мустақиллик шарофати туфайли алломаларимизнинг, шу жумладан, Берунийнинг ҳам руҳият сирларини нақадар чуқур билганлигидан воқиф бўлмоқдамиз.

Руҳият ботида жаҳон илм-фанида қомусий олим сифатида тан олинган Абу Али Ибн Сино таълимотида дунёни билиш жараёнида билимлар манбаини сезги аъзоларимиз ва улар орқали қабул қилган ҳиссий билимимиз ташкил этади, деб таъкидланади. "Агар сезги аъзоларимиз бўлмаганида эди, олам ҳақида билимга эга бўлмаган бўлардик ва ундан ташқари олам

Мия—одамнинг фикрловчи аъзоси бўлиб, у "... сергак образларни идрок этади, хотирада сақлайди, тасаввуримизда сақланаётган образларни бошқаради", деб таъкидлайди Ибн Сино. Бу каби маълумотлар олимнинг жуда катта илмий салоҳиятидан далолат бўлиб, унинг психологик қарашлари асосида материалистик моддиятга асосланган ғоялар ётганлигини кўрсатади. Руҳий функцияларнинг бош мияда жойлашуви, уларнинг бош мия айрим қисмларининг фаолият хусусиятларига боғлиқлигини Ибн Сино биринчи бўлиб баён қилди. Бу таълимот ўрта асрларда, Яқин Шарқ мамлакатларида руҳиятнинг моддий асосга эга эканлиги ҳақидаги қарашларнинг ривожига жуда катта ижобий таъсир этди. "Фикрлаш кучи орқали, — деб ёзади аллома, — яхшилик ва ёмонликни, ҳақиқат ва ёлгонни, фойда ва зарарни фарқлаш мумкин".

Бу каби дурдона маълумотларни кўплаб давом эттириш мумкин. Юртбошимиз Исом Каримовнинг юртимизни "Ўтмиши улуг, келажиги буюк" деб эътироф этиши бежиз эмас. Ватанимиз, қолаверса, Марказий Осиёда илм-фаннинг гуркираб ўсанлиги, тенги йўқ шаҳарлар бунёд этилаётганлиги замирида, назаримизда инсон омили — унинг руҳиятига алоҳида эътибор сезилса, ажаб эмас. Бу маълумот-

Nuqtai nazar

лардан жуда ўринли фойдаланмоғимиз зарур:

Комил инсон масаласи мустақиллик шарофати туфайли яна кун тартибидеги долзарб муаммолар қаторига кўтарилди.

Комил инсон деганда, кимни тушуниш мумкин? Жисмонан бақувват, руҳан соғлом, маънан пок, илм-фани мукамал эгаллаган шахсларни комил инсон деб таърифласак муболага ва хато бўлмас. Бу борада ҳукуматимиз томонидан тегишли ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳукумат қарорлари билан мамлакатимиз барча олий ўқув юртларида "Педагогика ва психология" кафедралари ташкил этилди. Бўлажак мутахассисларнинг барчасига ким бўлишидан, қандай мутахассисликни эгаллашдан қатъи назар уларга психологик билимлар берилмоқда. Ҳа, мутахассис шифокор ёки ўқитувчи бўладими, муҳандис ёки қишлоқ хўжалиги ходими бўладими, уларнинг барчаси инсон руҳияти ҳақидаги билимлардан бохабар бўлиши даркор. Акс ҳолда у етук мутахассис бўла олмайди. Ушбу масала XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб қатор жаҳонда ўзининг ижобий ечимини топа бошлади. Халқ таълими тизимида, умумий ўрта таълим муассасаларида психологик хизмат йўлга қўйилди. Бу соҳада қатор камчиликлар бўлса-да, ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Психологик- педагогик диагностика марказлар фаолияти кундан-кунга жонланиб борапти. Тиббиёт, ижтимоий таъминот, адлия тизимларида ҳам сезиларли силжишлар кўзга ташланыпти. Аммо, бу ишлар замон талаблари даражасида эмас. Педагогика олий ўқув юртларида ёшларга психологик билимлар бериш даражаси қониқарли аҳволда. Аммо, нопедагогик олий ўқув юртларида бу масала, назаримизда, нисбатан оқсамоқда. Юқори малакали мутахассислар етишмайди. Замонавий ўқув қўлланмалари, дарсликлар, услубий материаллар кам даражада. Ватанимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи ва истиқболда инсон омилига, унинг руҳияти масалаларига етарли эътибор берсак, буюк аждодларимизнинг бошлаб берган ишларини муносиб давом эттириб, она-Ватанимизнинг ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнашига эришишимиз мумкин.

Камол МАМЕДОВ,
ТошДАУ "Педагогика ва психология"
кафедраси мудири,
психология фанлари
номзоди, доцент,

Захро МАҲМУДОВА,
Низомий номидаги ТДПУ аспиранти

Меҳмонимиз — Йўлдош Абдуллаев, таниқли педагог-олим, ярим асрдан зиёд вақтдан бери педагогик касбини азиз тутиб келаётган устоз. Домланинг кўнглидан кечаётган фикрлари, мулоҳазалари муаллимлар учун қизиқ ва керакли бўлиши табиий.

— Домла, шогирдларингизнинг кўпчилиги таниқли, эл хизматидаги машҳур кишилар. Устозларингиз, биринчи муаллимингиз ким бўлган?

— Мен Тошкентдаги Луначарский номидаги мактабда ўқиганман. Биринчи муаллимим Билол Аҳмедов эди. Тўнғич акам Аҳмад Абдуллаев ҳам ўқитувчи бўлиб, она тили ва адабиётдан дарс берар эди. Акамнинг ўқитувчилиги менинг ҳам бу касбга қизиқишимни оширгани туфайли мактабни тугатиб, пойтахтдаги Ўқитувчилар институтини битирдим. 1942 йилдан Тошкент яқинида Ҳасанбой қишлоғидаги 14-ўрта мактаб ўқувчиларига она тили ва адабиётдан сабоқ бера бошладим. Айна уруш даврида таълим-тарбия ишида қийинчиликлар кўп эди. Жумладан, она тили ва адабиёт дарсликлари қуйи синфларда етишмас, 8-10-синфлар учун адабиёт дарсликлари нашр ҳам қилинмаганди.

Билимимни янада ошириш мақсадида 1944 йилнинг январидан САГУнинг филология факультетига кириб, ўқишни давом эттирдим. Университетда машҳур олимлар Айюб Фуломов, Турсун Иброҳимов, Теша Салимов, Абдурахмон Саъдийларнинг маърузалари мени ром этарди. 1946 йилда ўқишни тугатиб, ўзбек тилшунослиги кафедрасида аспирантурада қолдим. 1949 йилдан бошлаб, Тошкентдаги Маннон Уйғур номидаги 22-ўрта мактабда дарс бердим. Бу вақтда мактабда бугунги кунда халқ меҳрига сазовор бўлган инсонлар бўлиб етишган Эркин Воҳидов, Иброҳим Фафуров, Тўлқин Имомхўжаев, Сайёр Пўлатов, Тўлқин Илҳомовлар ўқир эдилар. 1950 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Маориф министрлиги қошидаги Педагогика фанлари институтига илмий ходим бўлиб ишга ўтдим. Бу пайтда институт раҳбари машҳур олим, адабиётшунос Фулом Каримов эди. Лекин мактабдан ҳам узилмадим, 1996 йилгача ўриндошлик асосида дарс бериб келдим.

1956 йилда А.Фуломов, З.Маъруфовлар билан 5-7 (8)-синфларнинг "Ўзбек тили дарслиги"нинг муаллифи бўлдим. Бу дарсликлардан 6-синфнинг "Она тили" китоби 1999 йилда янги ўзбек алифбоси ва имлосида охириги марта нашр қилинди. Яратганга шукур, 1950 йил 3 октябрдан (52 йилдан буён) илмий-тадқиқот институтида катта илмий ходим бўлиб ишламоқдаман, етти фарзандим бор.

— Корхона ва муассасалар бинолари, дўконларнинг пешлавлари, кўча-кўйдаги реклама, кўсаткичлари, товар ва маҳсулотлар ёрлиқларида лотин ёзуви асосланган янги

ўзбек алифбосини қўллаш-қўлланиши ҳақида телевидение, радио, матбуотда кўплаб чиқишлар бўлишига қарамай, баъзи имловий хатоларга йўл қўйилмоқда. Сизнингча, бунинг сабаби нимада?

— Бир жараёндан иккинчи жараёнга ўтиш маълум вақт талаб қилади. 2005 йил 1 сентябрдан бошлаб барча соҳаларда иш юритиш фақат янги алифбо ва имлода олиб борилади. Бугунги кунда бунга тайёргарлик қизгин бўлиши лозим. Лекин айтганимиздек, ҳали ҳамма жойда ҳам бу ишга етарлича эътибор берилмаётганини кўрмоқдамиз. Ҳар қандай хато ҳам оддий эътиборсизликдан келиб чиқади. Бугун етарлича эътибор бермаётганлар эртага шошиб қолишлари мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам бугун янги алифбони ўрганиш учун саъй-ҳаракат қилиш лозим, деб ўйлайман. Чунки, бунинг учун керакли қўлланмалар етарли. Яъни 1995 йилдан

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ:

ТИЛ — МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

(бунгача қўлланган алифбога айрим ўзгаришлар киритилган эди) яратилган ўқув қўлланмаларимиз янги алифбони ўрганмоқчи бўлганларга етарли билим бера олади. Уларнинг айримларини қайта нашр қилиш мумкин.

— Педагог-олим сифатида "Давлат тили ҳақида"ги қонун ижросидан кўнглингиз тўлапими? Бу борада қандай муаммолар сизни безовта қилмоқда?

— Менинг назаримда, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги илк дадил қадам 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши билан босилган эди. 1995 йилда "Давлат тили ҳақида"ги қонунга айрим таҳририй ўзгаришлар киритилди. Махсус ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган лотин ёзуви асосидаги "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги "Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақидаги қарори" билан мустаҳкамланди. Мазкур давлат ҳужжатлари асосида лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ва имло қоидалари босқичма-босқич ўргатилмоқда.

Шундай бўлишига қарамай — паспортларга ёзилаётган

Меҳмонхона



исм-фамилияларда айрим имло хатоларга йўл қўйилмоқда. Пешлавлар, кўча номлари ҳамма ерда ҳам янги алифбога кўчирилгани йўқ. Ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар бор.

— Домла, маълумки, яна бир неча кундан сўнг Навоий шаҳрида йирик тилшунос олимларнинг иштирокида ўзбек тили ўқитувчиларининг республика кенгаши ўтказилади. Бу анжуман нега Навоийда ташкил қилинмоқда?

— Бунинг тарихи узун. Ўтган асрнинг бошларида тошкентлик Маҳмуд Ҳодиев — Боту мамлакатда лотин алиф-

янги лотин алифбосини қабул қилиш тарафдори бўлган. Маърузада айна шу масала юзасидан сўзга чиққан Усмонхўжаев (Усмоний) деган ходим Ботунинг фикрини маъқуллаб чиқади. Шоир Боту билан фикрдош Усмонхўжаев ким эди? Илғор фикрли Усмоний қарманалик олим бўлган.

Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳи ҳайъати ҳозирлаган "Янги ўзбек алифбоси" 1926 йил 19—21 май кунлари Самарқандда кенгаш аъзолари томонидан маъқулланиб, кўриб чиқиш учун республика Илмий марказига юборилади. Алифбо лойиҳаси Қарманга ҳам жўнатилади. Натижада "Маориф ва ўқитувчи" журналининг 1926 йил 7-сонида "Усмоний" имзоси билан "Қарманда" сарлавҳали қуйидаги хабар янги алифбо лойиҳасида босилиб чиқади:

"Қарманда қишлоқ муаллимларидан бир қисми тўпланиб, лотин алифбосини ўрганиш тўғрисида ташкил қилдилар. Бу тўғаракка муаллимлардан бошқа фирқа, ёшлар аъзолари-да иштирок этадилар.

Лотин хуруфотининг араб хуруфотидин кулай эканлигини ҳар бирлари иқрор қилдилар. Келгуси сана бутун

рени ҳам баён қилади. Чунки у мақоласида йўғонлик-ингичкалик принципини рад қилади: лойиҳада ўзбек тилидаги унлилар учун 10 хил харф олинган эди. Усмоний эса ўзбек тилида 7 та унли товуш бор, деб қатъий фикр билдиради ва ундоз товушларни ифодаловчи 5 та харф шаклини ислоҳ қилишни таклиф қилади. Бироқ Усмонийнинг бу фикри ўзбек тили имлосида сингармонизм принципини "темир кўрғон" деб билган юқори лавозимдаги Отажон Ҳошимов, Ленинградда олий маълумот олиб келган Абдулла Алавий сингари яна бошқа бир неча мутахассисга ёқмайди ва рад қилинади. Шу масала юзасидан журналда Абдулло Алавийнинг мақоласи ҳам босилади. Лекин барибир қайта тайёрланган алифбодан "форсий алиф" деб номланган харф чиқариб ташланиб, "ўзбек адабий тилида 9 та унли нутқ товуши бор" гоёси биринчи лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосида ўз ифодасини топади.

Ана шундан бошлаб ўзбек тилшунослигида сингармонизм масаласи катта шовшувларга асос бўлади...

Айтиш ўринлики, 20-йиллардаги ўзбек тилшунослигининг илк даврида қизгин фаолият юритган Усмоний ижоди бугун ўрганилишга муҳтождир. Айнан шунинг учун ҳам унинг фаолиятдан намуналар келтирдик.

— Домла, биласиз, бошқа йўналишлар сингари филология факультетларига ҳужжат топширган абитуриентлар ҳам қабул имтиҳонларида иншо ёзмайдилар. Бу эса уларнинг ёзма саводхонлигини текшириш имконини бермайди. Талабалар ўртасида ёзма саводхонлик даражасининг тушиб кетиши эркин фикрлаш чекланишига олиб келмайдими?

— Бунинг учун мактабда она тили дарслари таркибини мазмунан кучайтириш лозим. Назарий тушунча беришда индуктив ва дедуктив методларни асос қилиб олиш керак. Бунда ўзбек тилшунослигида ҳал қилинган масалаларга эътибор бериш зарур. Она тили дарсларининг методик тузилишига эътиборни ошириш керак. Таълимий ва текширув ёзма ишлари, грамматик, имловий таҳлилларнинг ўтказилиши ўқувчилар саводхонлигини оширишга ёрдам беради.

— Шогирдларингиз ҳақида...

— Шогирдларим кўп. Уларнинг ичида, сиз юқорида таъкидлаганимиздек, элга машҳур, халқ хизматидагилар ҳам оз эмас. Улардан Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис кўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Олий Мажлис депутати, мунаққид ва атоқли таржимон Иброҳим Фафуров ва бошқаларни айтиб ўтишим мумкин.

— Шогирдларингизнинг шогирдларига тилақларингиз?

— Тилга муносабатда масъулиятни ҳис қилиш муҳим. Негаки, тил — миллатнинг, ўзликнинг асоси. Тил — миллат таракқиётининг кўзгуси. Унга доғ туширмайлик.

Хусан НИШОНОВ
суҳбатлашди.

босини жорий этишни таклиф қилиб чиқади. Шундан сўнг 1921 йил 18—19 январь кунлари Тошкентда Туркистон Маориф халқ комиссарлигининг ташаббуси билан ўзбек тили ва имлоси юзасидан республика анжумани ўтказилади. Бу қурултойда Бухоро ва Хоразм жумҳуриятлари вакиллари ҳам қатнашадилар. Анжуманда харф ва имло юзасидан маъруза қилган Абдурауф Абдурахимов — Фитрат ўз маърузасида шундай дейди: "Маорифимизни эски имло ва ёзув билан (анъанавий араб алифбоси), харфларнинг ёзувдаги шакллари билан кенгайтмак мумкин эмас. Маорифни кенгайтмак ва саводсизликни битирмоқ учун имломизни ислоҳ этмак лозимдир".

Мазкур масала юзасидан кўшимча маъруза қилган Боту ҳам ўз фикрини билдириб ўтади. "Бутунлай ҳозирги араб харфларини ташлаб, кўп миллатлар томонидан қабул қилинган лотин ёзувини тилмиздаги товушларга мувофиқ бир ҳолга келтириш ва қабул қилиш керакдир".


Маълум бўладики, Фитрат араб алифбосини ислоҳ қилган ҳолда сақлаб қолиш тарафдори бўлган бўлса (лекин олим бу фикрдан 1926 йил охирида қайтади), Боту

мактабларда татбиқ этивин кулайлигини фикрлайдилар.

Илмий марказда алифбо лойиҳаси ҳозирланади. Илмий марказ (бошлиғи Отажон Ҳошимов) ходимлари янги алифбо лойиҳасини ўрганиб чиқиб, уни нолойиқ деб топадилар. Мажлис қарорининг 1-моддаси бундай ёзилган эди: "... Май ойида бўлган кенгаш мажлиси янги ўзбек алифбосини тузганда ўзбек тилининг оҳангига, яъни сингармонизм қонунига тамоман риоят қилмагонликдин тилмизда бўлган бутун чўзгилар (унли товушлар. Й.Абдуллаев) махсус харфлар белгиланмаган..." ("Маориф ва ўқитувчи" журнали, 1926, 6-сон, 37-бет).

1926 йил 20 августда ўтказилган кенгашда икки алифбо асосида ҳозирланган янги алифбо лойиҳаси муҳокама қилинади ва маъқулланади. Бу алифболар сингармонизм (товушлар — харфларнинг йўғонлик—ингичкалиги) принципида ҳозирланган эди. Бу алифбо яна Қарманга — Усмонийга юборилади. Усмоний уни ўрганиб чиқиб, "Маориф ва ўқитувчи" журналига "Янги ўзбек алифбоси қарши олинди" сарлавҳали мақоласини юборади. Мақолада маъқулланган кўш алифбо ҳақидаги фикр-мулоҳазала-

САОДАТ АСРИДАН ҲИКОЯ



Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти ҳозирги замон адаби ва тарихчи олими Аҳмад Лutfий қаламига мансуб "Интизор қутилган тоғ" номли қиссани нашрдан чиқарди. Мазкур қисса олти жилдли асарнинг биринчи китобидир. Китоб тўла ҳолида Жаноби пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг туғилишларидан то вафотларига қадар бўлган муборак ҳаётларини қамраб олади.

Саодат йўлининг энг улуг ва энг сўнги раҳбари, Оллоҳ таолонинг энг севиқли кули ва элчиси ҳазрати Мухаммад Мустафо (с.а.в.) жанобларининг гўзал, баркамол, ўрнак-

ли ҳаётларини бутун борлиғича айнан тасвирлаш, асҳобнинг унга нисбатан муҳаббатини, вафодорлик туйғуларини мукамал кўрсатиб бериш, душманларининг кин ва ҳасадга тўла хатти-ҳаракатларини тўласича ифода-лаш, фикримизча, ҳеч бир инсоннинг кўлидан келмайди.

Гарчи шундай бўлса ҳам, Аҳмад Лutfийнинг мазкур қиссасида кўзланган мақсад сари бир қадар яқинлашиш сезилади. Китобнинг худди шу мавзуга бағишланган бошқа асарлардан фарқи — муаллиф аниқ тарихий воқеа-ҳодисаларни ўзига хос бадиий йўсинда акс эттирганидир.

Асарнинг ўзбек тилидаги бетакрор жилосида, унинг ўзбек китобхонлари томонидан севиб мутолаа қилинишида таржимонларимиз Наргиза Раҳмат қизи ва Нодирхон Ҳасанларнинг хизматлари катта.

Ўйлаймизки, мазкур асар китобхонларни бефарқ қолдирмайди.

Фаррух БЎТАЕВ

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини давр талабларига мувофиқ тарзда тубдан ислоҳ қилиш жараёни бормоқда. Шу боис етук мутахассислар тайёрлаш борасида муҳим ишлар қилинаётир. Айни пайтда бутунжаҳон ҳам-жамияти томонидан "ўзбек модели" дея эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи амалга ошириляпти. Таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали кечиши йўлида фаолият юритаётган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети жа-

"ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ"

маоиси республикамизнинг педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларига талай методик ёрдам кўрсатиб келмоқда. Хусусан, университетда чоп этиладиган "Педагогик таълим" журна-ли мазкур ўқув даргоҳи билан бошқа илм даргоҳларини боғловчи кўприк вазифасини ўтаётир.


Яқинда "Педагогик таълим" илмий-назарий ва методик журналининг жорий йилдаги 3-сони нашрдан чиқди. Олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докто-



рант, аспирант, илмий ходимлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, мала-

ка ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, магистрантлар, талабаларга мўлжалланган журналнинг янги сониди ҳам таълим жараёни билан боғлиқ бир неча янгиликлар, тадқиқотлар, муаммолар берилган. Таҳририят фақат университет олимлари эмас, балки бошқа таълим даргоҳлари тадқиқотчилари билан ҳам ҳамкорлик қилаётгани журнал мундарижасини янада безаган. Ўйлаймизки, журнални ўқиган ҳар бир киши ўзига керакли маълумотга эга бўлади.

Ҳ.НИШОНОВ



ХАНДАСИЙ НАҚШ (ГИРИХ)ЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Ўзбек маданиятининг бир тури булган амалий безак билан қизиқувчи ихлосмандлар китоб жавониға "Хандасий нақш (гирих)ларнинг ечимлари" номли яна бир китоб кўшилди. Бу китоб Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Бадиий Академияси Санъатшунослик

илмий-тадқиқот институти фахрий доктори Зокирхон Боситхонов муаллифлигида тайёрланди ва чоп этилди.

Гирих буйича ҳозирги кунда ягона мутахассис булган З.Боситхонов 1945 йилдан гирихлар тўғрисида изланишлар

учун катта тажриба мактаби булиб хизмат қилди.

Рисолани куздан кечирар экансиз, устанинг 100 га яқин гирих намуналари (уларни қандай яратиш борасидаги изланишлар, билан бирга гирих ясашда зарур изоҳ-

тазам кўпбурчаклар ясаш) ҳақида тасаввурга эга буласиз. Шу қаторда нуқталарни туташтириш, айланани 5,3,7 га булиш, берилган томонга қараб бешбурчак ясаш, нур чизиқлари, юлдузнинг турли қури-ниши, ёй ва айлананинг марказини топиш, АВ кесма асосида мунтазам 5,6,8,10,12 кўпбурчаклар ясаш, туташтириш, "тақсим нима?" ва унинг турлари, тақсим нисбатини топиш, гирихнинг тур чизиқларини ясаш каби 40 га яқин гирих ясашда эътиборга лойиқ жиҳатлардан бохабар буласиз.

Сурайё АЛИЕВА,
санъатшунослик
фанлари номзоди,
Хуршида СОЛИЕВА,
тадқиқотчи

ТУҲФА

олиб бориб, уларнинг хилма-хил қонуниятларини кашф этиб уз натижаларини китоблар, қомуслар, журнал ва газеталардаги мақолаларда ёритиб келмоқда.

Ушбу китоб, усиб келаятган ёш авлод учун, амалий санъат соҳасида ижод қилаётган санъаткорлар, халқ усталари

ларни ҳам учратасиз. Перпендикуляр, вертикал, радиус, ёй, кесма ва бошқа бир қатор изоҳлар ҳақида тушунчалар ҳам берилган. Шу билан бирга 90 градус бурчакни ясаш, чизиқ турлари (айланани тенг булакка булиш, айлананинг бир булагини чизиш, берилган кесма асосида мун-

БЕҲУБОР ҚЎЖИНА ҚЎШИҒИ

Юртимизда ижодкорлар кўп. Шеърятга, адабиётга кўнгли қўйган, қалб кечинmalarини оқ қоғозга тушираётган ёш ижодкорларга эътибор ҳам етарлича, "Янги аср авлоди" жамоаси "Синфдош" кутубхонаси рукнида 14 ёшли ижодкор қизимизнинг "Жажжи юлдуз" номли илк китобчасини чиқариб, хайрли ишга қўл урибди.

Дилнозанинг дўстлик, Ватан тупроғи, ўзбек халқи ҳақидаги шеърлари ўзи каби самимий ва соддалиги билан кўнглингиздан жой олади.

Сенинг олтин тупроғинг
Кўзларимга суртаман.

Меҳр тўла қалбимни
Сенга туҳфа этаман.

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев китобчага сўз боши ёзиб, "қаламкаш қизимизга шоирлар олдиға қўйган талабларни қўйиш ҳам инсофдан эмас. Энг муҳими, унинг адабиётга, ижодга



меҳр қўйгани, ўз фикр-ўйларини шеърый ҳолда ифодалашга интиляётгани бизни қувонтиради", дейиши бежиз эмас. Мактаб партасида ўтириб ижод қилаётган Дилноза асосан мактабдошлари, муаллимлари ҳақида шеър битибди:

"Бағрингда қушлардай
этамиз парвоз,

Олдда ҳаёт йўли —
катта чорраҳа" дея мактабини қутлуғ макон,

нурли бўстонга ўхшатибди. Ҳозирча унинг шеърларида гўзал ташбех, ўхшатиш, сифатлашлар кам. Аммо шеърятга бўлган ҳавас, муҳаббат бир кун келиб ўз натижасини беради. Бунга ишонч ҳосил қилган китобча муаллифи ёзади:

Осмонда жажжи юлдуз,
Мавжланар кеча-кундуз.

Унинг исмидир Дилноз,
Бахтини қилар кўз-кўз.

Дилнозага шеърятдаги илк қадами қутлуғ бўлишини тилаймиз.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

Ҳар бир касб кишидан чуқур билим ва маҳорат талаб қилади. Шу маънода соғлом болалар саломатлиги, ўсиш жараёнини назорат қилиш, касалга чалинган болаларни даволаш самарали бўлиши учун педиатр ҳам ўсаётган организм хусусиятларини яхши билиши лозим. Шу сабабли тиббиёт институтларининг педиатрия факультетида кўп йиллардан бери



нашрдан чиқардилар (Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти). Мазкур қўлланма шартли равишда "Болалар физиологияси" деб номланган. Чунки унда олимлар постнатал онтогенезнинг фақат болалик даврларида организм фаолиятида кузатиладиган хусусиятлар ҳақида кўпроқ тўхталишган.

Мазкур дарсликда турли ёшдаги болалар

"БОЛАЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ"

нормал физиологияни ўқитишда фан бўйича ҳамма факультетларга умумий бўлган ўқув дастуридан ташқари, бу дастурга киритилган қўшимчаларга риоя қилинади.

Айтиш жоизки, шу кунга қадар болалар физиологиясига оид маълумотлар талабаларга тушунарли ва қулай шаклда мужас-

самланмаган эди. Педиатрия факультетида нормал физиологиядан сабоқ бериш тажрибаси ва болалар физиологиясига оид анчагина маълумотга эга бўлган ва айнан шуни назарда тутган олимлар У.Қодиров (марҳум), А.Абдумажидов, В.Аскарянцлар "Болалар физиологияси" дарслигини ёзиб,

физиологиясига оид маълумотлар ёритилган. У нормал физиология фани бўйича ўқув дастурига тўлиқ мос келиши билан аҳамиятлидир. Ушбу китобдан тиббиёт билим юртлари талабалари баробарида педагогика институтлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Энг қадим касблардан бири дунёда тарбиячилик, таълим берувчилик, устозлик бўлса керак.

Ҳаёт ва унда инсон тушунчаси юзага келибдики, ҳар бир шахс ўз билимини, ўзи билган кўника, маҳорат, одат ва бошқа шунга ўхшаш ўзи ўзлаштириб олган жамиятнинг маънавий бойликлари билан бошқаларга уларни ўргатиш дариом этиб келади.

Одатда, таълим берувчи ва тарбиячилик бир шахс фаолиятида намоён бўлади-да, кўпинча бу ҳол таълим-тарбия деб бирга юритилади. Ваҳоланки, билим бериш, айниқса тор бир соҳада, тарбиядан умуман узилган бўлиши мумкин. Айтайлик, ҳозирги замонавий компьютер орқали узокдан туриб ўқитиш. Тарбия эса шахснинг хусусий сифатларини замон ва жаҳон талабларига мослаштириш бўлганлигидан жуда кам ҳоллардагина билвосита олиб борилиши мумкин.

Шундай экан биз ушбу туркум мақолаларимизда иложи борича шахснинг хусусиятларини замон ва жамият ахлоқий меъёрларига мос қилиб тарбиялаш жараёни ва бу юмушнинг руҳий йўналишларига бағишлаймиз.

ТАРБИЯНИНГ ИБТИДОСИ

Ҳар бир шахс оилада туғилиб, ижтимоий ҳаётга мана шу ўз қосонаси орқали кириб борар экан, демак шахснинг тарбия ибтидоси деб унинг ҳомила пайтию ва туғилганидан атроф-муҳитини қамраб олган, уни мана шу ҳаётга олиб келган оиласи ва ота-она-

сини айтиш жоиздир. Бўлғуси боланинг ота-онаси ўз ўринида ўз ота-онасидан қандай тарбия олган бўлса, қисман, баъзан тўлиқ ҳолда ёшлигида кўрган-кечирганларини ўз болалигида ҳаётини таърифи сифатида олиб ўтади. Қарабсизки, бу жараён узлуксиз давом этиб, одамзод ҳаётини таърифи сифатида борган сари сайқалланиб, борган сари мукамаллашиб, аммо ҳар биримизнинг умр таърибамизда янгиланиб бораверади. Қизиғи шундаки, оиладаги

пойдевори ота-она ва уларнинг ўзаро муносабати бўлади.

Муҳаббат ва розилик билан қурилган оилада бўлғуси фарзанд учун у ҳали онанинг қорнида эканлигидаёқ алоҳида руҳий қулай ҳолат вужудга келади.

Ҳомиладорликнинг бир неча ҳафтаси ўтиши билан бўлғуси фарзанд онанинг ҳис-ҳаяжон, жисми-танига бўлган таъсири таъсирларга акс-садо бера бошлайди. Бўлғуси онанинг қаттиқ кўркиши, жиддий ҳис-ҳаяжонга бери-

буларни қабул қилолмайди, натижада ё ҳомила узилади ёки бўлғуси зурриёт бирор бир жисмоний ёки руҳий нотўқисликка учрайди.

Айнан мана шуларни ҳисобга олиб барча халқларда ҳам ҳомиладор аёлга муомала алоҳида тусга қиради. Уларнинг истаган овқатлари мужассам қилинади, ёлғиз юриши, қоронғида қолиши, оғир юк кўтариши ва умуман она жисмига салбий таъсир қилувчи ҳолатлардан сақлаб, асралади.

ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ ТАЪСИРИГА ЧИЗГИЛАР

1-мақола

бола тарбияси доимо кам деганда икки оила (она томон, ота томон) ҳаётини таърибаси асосида қарор топади. Бундан, албатта, жамиятда қабул қилинмаган, ҳаётда истисно сифатида учраб турадиган ёлғиз аёлнинг бола тарбиялаш ҳолати мустаснодир. Шунинг учун ҳам нотўлиқ оилада бола тарбияси муаммосига кейинроқ алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Бир мутафаккирнинг сўзларини сал мавзумизга мослаштириброк айтадиган бўлсак, фақат муҳаббат бор жойдагина гўзал фарзандлар туғилиб, комил инсонлар вояга етади. Яъни, бола тарбиясининг тамал тоши ва асл

лиши ёки оғир юк кўтариши ва бошқа шунга ўхшаш салбий ва ижобий таъсирлар орқали ҳомилянинг нормал кечishi ёки узилишини кўпчилик билади. Бу ўринда биз таҳлил қилмоқчи бўлган томон онанинг кўкқисдан бўлган қаттиқ ҳиссий таассуроти га бўлғуси фарзанднинг реакци-яси.

Она руҳиятига кескин руҳий таъсир ўтказилганда, унинг жисми-танаси бирданига катта микдорда адреналин ва бошқа моддалар ишлаб чиққанда, ҳали ҳатто она қон томирлари ҳам тўлиқ мослашиб улгурмаган бўлғуси зурриётга ўтади. Қарабсизки, у

Медицина тарихи тўплаган ва руҳшуносликнинг охириги даврларда эришган ютуқлари шуни кўрсатмоқдаки, онанинг ҳомилялик жараёни қанчалик осойишта, ҳам моддий ва маънавий талаблар таъминланган бўлса, бўлғуси фарзанд шунчалик руҳан ва жисман соғлом туғилади. Демак, фарзанд тарбияси она ҳомиладорлик пайтидаёқ бошланиб, изчиллик билан давом этади.

Бу фикрни янада тўлиқроқ очиш учун америкалик руҳшунос олимларнинг ўтган асрнинг 70-йилларида ҳомиладор аёллар билан ўтказган тажрибалари, кузатишлари ва уларнинг натижалари

Odobnoma

рени келтириш мумкин. Олимларнинг кузатишлари шуни кўрсатган эдики, ҳомиладор аёл руҳий жиҳатдан танг ҳолатга тушиб қолса фарзанд асабий, асабий касалликларга чалинган ва бошқа камчиликлар билан туғилар экан. Ушбу кузатиш ва таърибалар шуни кўрсатган эдики, болага ҳомила пайтидаёқ турли тарбиявий таъсир ўтказиш мумкинлиги исботланди.

Жумладан, бола ҳомила пайтидаёқ ташқи товушларга муносабат билдирар экан. Буни аниқлаган олимлар бир қанча ҳомиладор аёлларнинг болаларига мусикий таъсир ўтказиб кузатишади. Натижа кутилгандан ҳам юқори бўлиб, болаларнинг у ёки бу муסיқага мойиллиги ортанлиги тасдиқланади.

Ушбу ҳулосалар ўзимизда қадимдан маълум бўлган ақида-ни, яъни, бир ота-она донишманднинг олдида болали бўлганлариде келиб тарбияни қачон бошлайлик, деб сўраганлариде, бир йил кечга қолибсиз, деган жавобни олганларини эслатади.

Ўтмиш ва бугуннинг ҳаётини таърибасини умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, бола тарбияси ота-онанинг илиқ муомаласи, улар орасидаги муҳаббат ришталаридан бошланиб, ҳомила аён бўлганидан амалий жараёнга қиради.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари
номзоди

Маълумки, инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Шунинг учун ҳам ота-оналар ўз фарзандларида энг яхши инсоний фазилатларни кўришни хоҳлаган ҳолда ёшликдан тарбиявий ишларга бефарқ бўлмасликлари керак. Ҳар бир ёшнинг ахлоқий ва ақлий камол топиши ота-оналар, ўқитувчилар ва жамоатчилик таъсирида амалга оширилади. Улар асосан ЎМКХТ тизими даврида алоҳида шахс сифатида шаклланишини назарда тутган ҳолда уларнинг камолотга эришишида синф раҳбарининг кўп қиррали аҳамияти бор.

Синф раҳбари ҳар бир боланинг характери-ни ўрганиб, онаси билан ҳамфикр бўлса, мақсадга эришиш осон кечади. Бу борада ота-оналар мажлиси муҳим аҳамиятга эга-дир.

улар лицейдаги мавжуд шарт-шароитлар билан таништирилади;

Давра суҳбатлари муҳим саналарда, байрамларда, тарихий кунларда ота-оналар кўмитаси ёрдами билан ташкил этилади. Унда ўзларининг ҳар хил чиқишлари билан ўқувчилар ҳам қатнашиши, меҳнат фахрийлари ва маҳалла оқсоқоллари ҳам таклиф этилиши мумкин;

Навбатдан ташқари йиғилишлар гуруҳда бирон-бир ноҳус ҳолат юз берганда лицей раҳбарлари хабардор қилинган ҳолда ўтказилади ва керак бўлса ота-оналар ҳам бунга таклиф этилади.

Аълочи ўқувчиларнинг ота-оналарига (ҳар йиғилишда 3-4 нафар кишига) "Раҳматнома" айтилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқувчининг фақат аъло ўқишигина

ДАРСЛИКЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти мажлислар залида ЎМКХТ маркази Илмий-методик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Давлат таълим стандартлари доирасида умумқасбий ва махсус фанлар бўйича тузилган ўқув дастурларининг мақсадга мувофиқ-

лиги, ЎМКХТ муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш жараёнига модул тизимининг жорий

Tadbir

қилиниши, кутубхоналар фаолияти ва таълим жараёнининг ўқув-методик мажмуа билан таъминланиши ҳамда

дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар янги авлодининг яратилиши ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, Илмий-методик кенгаш муҳокамасига киритилган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларига оид кенгаш аъзоларининг фикрлари эшитилди.

Ўз мухбиримиз

ОТА-ОНАЛАР МАЖЛИСИ: ТАРБИЯДАГИ МУҲИМ ОМИЛ

Одатда ота-оналар мажлиси бир йилда икки марта (ҳар семестрда бир марта) ўтказилади. Имкониятдан келиб чиққан ҳолда у бир йилда тўрт марта (ҳар семестрда икки марта) ўтказилишини мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки ҳар йиғилишда ота-оналар ўз фарзандларининг ютуқ ва камчиликларидан хабардор бўлганлари ҳолда уларга тегишли маслаҳатларини бериб борадилар. Синф раҳбари эса уларга ҳар томонлама таъриф бериб ўз фикрини билдиради.

Ота-оналар мажлисини қўйидаги мавзуларда олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Ҳар бир ўқувчининг юриш-туриши, ҳатти-ҳаракатлари ва тутган ўрни ҳақида суҳбат ўтказилади. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлар уюштирилади;

Ота-оналар кўмитаси томонидан уюштирилган йиғилишларда баъзи бир масалаларни ҳал қилишда иккиланган ҳолатлари юз берса лицей раҳбарлари хабардор бўлгани ҳолда ўтказилади;

Маъруза охирида мавзу асосида савол-жавоблар ўтказилади. Ота-оналар билан таълим-тарбия хусусида суҳбатлар ташкил этилиши мумкин;

Маслаҳат-суҳбат тариқасида кўпроқ тарбияси оғир ўқувчи ва унинг ота-онаси билан ўтказилади. Унда ўқувчи ҳақида ота-онасидан керакли маълумотлар олинади ва

эмас, балки интизоми, фаоллиги, давлат мулкига ва ўқув қуролларига бўлган муносабатлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Ўқувчи яхши ва аъло баҳоларга ўқиши учун даставвал унинг бўш вақтлари қандай тақсимлангани ҳамда ота-она назоратидалиги асосий омиллардан ҳисобланади.


Ётоқхонада яшайдиган ўқувчилар доимо тарбиячи назоратида бўлишлари керак. Маданий ҳордиқ учун вақтлар аниқ кўрсатилган бўлиши шарт.

Ўқувчи учун энг асосийси ҳар қандай шарт-шароитда ҳам тунги уйқу тўлиқ бўлиши керак, акс ҳолда синфда ярим уйқуда бўлиб ўқитувчи томонидан баён қилинган материал мазмунидан беҳабар қолади. Бундай ҳолатлар албатта унинг фикрига акс таъсир этади. Шунинг учун ҳам синф раҳбари ота-оналар мажлисида ўқувчининг ундаги ҳатти-ҳаракатлари билан кўпроқ қизиқиши, керак бўлса унинг кун тартиби қандай тақсимланганига алоҳида эътибор бериши керак.

Умуман, ота-оналар мажлиси таълим-тарбия тизимида ҳал қилувчи омиллардан бўлиб хизмат қилади.

Н.ТУРКМАНОВ,

Юнусобод академик лицей директорининг маънавий ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари



Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати таълим-тарбия самарадорлигининг юқорилиги, ўқувчиларнинг республика, халқаро олимпиадаларда иштироки ва совринли ўринларни қўлга киритиши билан мамлакатимизда танилган, ўзининг салоҳиятига эга, ибрат олса арзигулик янги турдаги илм даргоҳларидан бири ҳисобланади.

Бу муваффақиятлар замирида аҳил жамоа, унинг раҳбари, моҳир ташкилотчи ва таърибали педагог Тўхтамурод Жумаев, ўнлаб фидойи, ўз фанини пухта биладиган муаллимларнинг машаққатли меҳнатлари мужассам. Ёш биология фани ўқитувчиси Акмал Бешимов мактаб-интернатнинг ана шундай жонқуярларидан бири саналади.

Суратда: Акмал Бешимов берилган топшириқларни ўқувчилар қандай бажарганлигини кўздан кечирмоқда.

Маҳалламиздаги энг обрўли хонадонга келин тушди. Орзигул онанинг келин кўриш орзуси амалга ошдию маҳалланинг тўй-маъракаларида у киши кам кўринадиган бўлиб қолди... Ҳаммасини бошидан бошласак.

Бу муҳтарама аёл 40 йилдан ортиқроқ ўрта мактабда она тили, адабиёт, одобнома каби фанлардан сабоқ бериб, жамоада, оилада, шогирдлари орасида “шиддаткор аёл” “унвониға” сазовор бўлган. Унинг кўплаб шогирдлари ҳозирда фанимиз фидойилари бўлиб хизмат қилишяпти. Қарда бўлмасин, “устоз Орзигул опа”ни яхши гаплар билан эсга олишади. Оилада эса, “профессор ота”нинг инжиқликларини кўтариб, беш қизни олий маълумотли қилиб, уйли-жойли қилиш айтишгагина осон. Бахтидан тинган қизларига қаратган эътибори уйқусиз тунлар, озми-кўпми асаббузилишлар эвазига бўлган бўлса-да, ўзининг ширин мевасини берди. Лекин, ўгли Муроджоннинг тарбиясию ўқишлари учун чекилган заҳмат ҳаммасидан-да ошиб тушди. Чунки, “тилаб-тилаб” олинган

Nuqtai nazar

Хурриятхон эса:

—Қайнонам уришмайдилар, қарғамайдилар. Бироқ, ҳечам “она-бола” бўлиб, ўрганишиб кетолмаяпмиз... - дея олади, холос.

Бу гапларни келтириш билан бировларнинг оилавий икир-чикирларини “достон” қилмоқчи эмасмиз. Аксинча, мана шундай қайнона-келин муносабатларидаги муаммолар кўплаб хонадонларда юз беришини таъкидлаганимиз ҳолида, оилавий муносабатлар ҳар томонлама ўрганиладиган масала эканлигини айтмоқчимиз.

Мавриди келганда улуг маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг “Оила” асаридagi “Агар бир мамлакат аҳолиси оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади”, деб ёзган фикрини келтиришни жоиз топдик. Зеро, оиладаги муносабатлар меъёрининг бузилиб, издан чиқиши шу оила фарзандларининг ҳам келажаги-

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

ўғил гарданига ота-она ўзларининг ушалмаган орзулари омонат қилиб юкланаганини билиб, олдиндан шунга замин яратишди. Ва йиллар мобайнида қилинган ҳаракатлар самарасини бериб, ишончлар оқланди ҳам. Муроджон нуфузли университетлардан бирини таҳсил олиб, магистрлик даражаси учун хорижий давлатда ўқиб келишга мушарраф бўлди. Ҳозирда эса етук кадр сифатида ўзининг тенгдошлари орасида ўрин топган.

Хуллас, ягона ўғилни уйлантирадиган вақти-соати етиб, ота-она орзусидаги келин “қидирила” бошланди. Муроджон ҳам киройи куёв бўлишга арзигулик йигит эмасми, ўзларига ўхшаган зиёли оила фарзанди бўлган, қолаверса Орзигул онадек олий маълумотли педагог қиз Хурриятхон ва унинг ота-оналари оstonадан яхши ниятлар билан ҳатлаган совчиларни қуруқ чиқаришмади...

Мана, орадан бир йил ўтиб улгурганича йўғу қайнона-келин бир-бирларини унчалик тушунишмаяпти шекилли, бу хонадоннинг дарвозаси саҳарлаб очилмаяпти, сувлар сепилиб, супурилмаяпти, намозшомда садарайҳонни силкита-силкита, шохчасини чаккасига тақиб Орзигул она хандон отиб кулмаяпти. Олдингидан кўра файсизланиб қолган ҳовлида онахон куймаланиб, ул-бул ишларни қилиб юриб, қўни-қўшни билан маъюс дардлашадиган бўлди. Орзигул опа:

—Мен яхши ўқитувчи бўлдимю яхши қайнона бўлолмадиммикин... Ҳа, ўқитувчи бўлиш осон эканю қайнона бўлиш қийин экан. Авваллари уй ишларини қизлар қилишарди. Қўлимни совуқ сувга урмасдим. Энди бу ҳолда юришим (анчагина уриниб қолган этагини кўрсатиб) ўзимгаю кулгили туюлади. Келиним ишларни қилмайди-мас, қилади. Ҳамма нарсани удалайди. Билмадим нимагадир бир-биримизни ҳеч тушунолмаймиз, — дейди.


га биз хоҳлаймизми, йўқми барибир ўз таъсирини ўтказди. Мана шундай ҳаётий ҳақиқат ва умуман жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила масалаларини сизга маълум бўлган Республика “Оила” илмий-амалий Маркази ўрганади. Шу ўринда мазкур Марказнинг “қайнона-келин”, “ота-она ва фарзандлар”, “эр-хотин”нинг ўзаро муносабатлари ва оиладаги маънавий, психологик муҳитни аниқ далиллар билан ўрганиш мақсадида Навоий вилоятида ўтказган тадқиқотлари натижаларига тўхталмоқчимиз. Ушбу социологик тадқиқотнинг “Менга ақл ўргатганини ёқтирмайман” деб қўйилган бандини қайноналар 57 фоиз, келинлар 77 фоиз эгаллашган. “У жуда ҳам қаттиққўл” бандида эса қайноналар 93,7 фоиз, келинлар 37 фоиз “овоз” олишган. Шу ва шу каби саволларга берилган жавоблар натижаларига кўра, ҳар иккала томоннинг лидерликка интилиши, бошқарувга мойиллиги борлиги, келинларнинг ўжарлиги, унга ақл ўргатишларини ёқтирмаслиги, қайноналарнинг қаттиққўл ва талабчан эканлигини кузатиш мумкин. Албатта, миллатимизда қадрият саналадиган оила кўрғони негизларини биргина келтирганимиз каби рақамлар белгилай олмайди. Аммо, ҳозирда ёшлар ўртасида юзага келаятган муаммоларнинг деярли барчасига оилалардаги нототувлик ва низолар сабаб бўлаётгани сир эмас. Шу муносабат билан ўсмирлар ўртасида яна бир социологик кузатув — “Ўз-ўзини баҳолаш тести” ўтказилди. Бунга кўра ҳам жавобларнинг кўпчилигида оилавий таъсирларнинг кучлилиги сезилган.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, оила — муқаддас қўрғон. Унда ўтмиш, бугун ва келажак тарбия топади. Оиладаги ижтимоий ҳаракатлар жамиятнинг моддий-маънавий томондан ривожланиши учун бевосита таъсир этиши билан бир қаторда яқка ҳолдаги буюклик — ШАХСнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамиятга эга.

Насиба ЭРХОНОВА

ҚУЁШНИ КЎРАЁТГАН АДИБ КИМ?

Test



Ёдингизда бўлса, 2001 йил 31 мартда газетамизда тест-топшириқлари берилиб, голиблар аниқланган эди. Бухоро вилоятидан Орифжон Воҳидов барча топшириқларни тўғри бажариб, голиблар сафидан ўрин олганди. Яқинда муҳарририятимизга олотлик изланувчан устоз О.Воҳидовдан мактуб келди. Мактубда илмга чанқоқ филология факультетларида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчилар учун тест топшириқлари юборилган. Муаллиф топшириқларга ўз совғасини топширмоқчи. Мақсади — бадий адабиётдан узоклашиб бораётган ёшларни имкон қадар адабиётга қизиқтириш. Албатта, “Маърифат” газетаси муаллифнинг фикрини маъқуллайди ва голибга бефарқ қарамайди. Жавобларни Бухоро вилояти Олот туманидаги 29-мактаб(индекс: 706036)нинг ўқитувчиси О.Воҳидовга йўллашингиз мумкин. Марҳамат, билимингизни синаб кўринг.

1. ЮНЕСКО дарвозаси пештоқига қайси шоир мисралари олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган?

А) Маҳмуд Қошғарий В) Юсуф Хос Ҳожиб С) Аҳмад Югнакий Д) Аҳмад Яссавий Е) Саъдий.

2. “Лой китоб” муаллифини кўрсатинг.

А) Мўмин Қаноат В) Ўлжас Сулаймонов С) Мустай Карим Д) Қайсин Қулиев Е) Расул Ҳамзатов.

3. “Шайх Санъон” қиссасининг муаллифи қайси жавобда берилган?

А) Хусайн Бойқаро. В) Абдурахмон Жомий. С) Алишер Навоий. Д) Лutfий. Е) Саккокий.

4. “Ассалом, эй дорнинг оғочи!”

Ушбу мисра, қайси достондан олинган?

А) “Гулихиромон”. В) “Алпомиш”. С) “Кунтуғмиш”. Д) “Авазхон”. Е) “Гулнор пари”.

5. Куёшни кўраётган адиб ким?

А) Ўлмас Умарбеков. В) Алишер Ибодинов. С) Ойбек. Д) Нодар Думбадзе. Е) Юсуф Латиф.

6. Маъсума шоирамизни кўрсатинг.

А) Фароғат Камол. В) Гулчехра Жўраева. С) Зулфия Мўминова. Д) Ойдин Ҳожиева. Е) Қутлибека.

7. “Кўзни юм, кўзга айлансин кўнгил”, дея хитоб қилган ким эди?

А) Машраб. В) Лutfий. С) Аҳмад Яссавий. Д) Жалолиддин Румий. Е) Юсуф Хос Ҳожиб.

8. “Уйғоқ ўғли Тирик” фалсафий қасида кимнинг қаламига мансуб?

А) Ҳазиний. В) Ибн Сино. С) Амирий. Д) Камол Турбатий. Е) Хондамир.

9. Италияда ўрта асрларда қайси жанр шаклланди?

А) Трагедия. В) Сонет. С) Баллада. Д) Новелла. Е) Фельетон.

10. “Авлоднинг биринчи вакилини дарахтга боғлаб қўйишади, авлоднинг сўнгисини чумолилар еб битиради”.

Ушбу мисраларни қайси асарда ўқигансиз?

А) “Жазо калониясида” (Франц Кафка). В) “Арбат болалари” (А.Рыбаков). С) “Педро Парамо” (Хуан Рульфо). Д) “Ёлғизликнинг юз йили” (Г.Маркес). Е) “Раққоса” (Яшпал).

11. Бор-йўғи 37 шеър ва бир

достон ёзиб классик даражасига кўтарилган гуржи шоири ким?

А) Николаз Барататвили. В) Иосиф Нонетвили. С) Илья Чавчавадзе. Д) Галактион Табидзе. Е) Шота Руставели.

12. Бир даста кўзигулни куйидаги шоирларимиздан қайси бирига совға қиласиз?

А) Матназар Абдулҳаким. В) Абдували Қутбиддин. С) Муҳаммад Исмоил. Д) Усмон Қўчқор. Е) Иқром Отамурод.

13. “Шоир юрагимни юлиб берардим, “Жоним Ўзбекистон” деган сўз учун”, дея хитоб қилган шоиримизнинг исми ва фамилиясини ёзинг.

14. “Ш” товуши шеърларида кўп учрайдиган шоиримизни кўрсатинг-чи?

А) Шукрулло. В) Ҳ.Шарипов. С) Шухрат. Д) Шайхзода. Е) Ю.Шомансур.

15. Қайси жаннатдан садо эшитгансиз?

А) “Жаннат” (А.Данте). В) “Жаннат куши” (Ойгул Муҳаммад Жиян қизи). С) “Жаннатга йўл” (А.Орипов). Д) “Жаннатнинг ярим йўлида” (Саид Нафисий). Е) “Жаннат қидирганлар” (Шухрат).

16. Ўзбек мумтоз адабиётида қасида жанрининг устаси, деб тан олинган шоир ким?

А) Саккокий. В) Атоий. С) Лutfий. Д) Ҳайдар Хоразмий. Е) Қутб Хоразмий.

17. “Асрдан ҳам узундир бу кун”.

Ушбу мисра кимнинг қаламига мансуб?

А) Евгений Евтушенко. В) Борис Пастернак. С) Виктор Соснора. Д) Валерий Брюсов. Е) Тўғри жавоб йўқ.

18. Қайси ёзувчи чамалаб қўйган иши тагига албатта учта ҳарф: “а, т, б” яъни “агар тирик бўлсам” деб ёзиб қўяр эди?

А) Ф.Достоевский. В) В.Гюго. С) О.Бальзак. Д) Лев Толстой. Е) И.Гёте.

19. “Уйқунгиз ширин бўлсин, тириклар!”

Ушбу эзгу тилак қайси асар охирида айтилган?

А) “Қатл куни” (Юсуф Самад ўғли). В) “Косиблар кулбасида” (Ҳасан Ирфон) С) “Тошқин” (Альберт Лиханов) Д) “Мушкул вазифа” (В.Тендряков). Е) “Кеч куз” (Ион Друцэ).

Юртимизда шундай муқаддас зиёратгоҳлар, қадам-жолар борки, уларнинг номи нафақат республикамизда, балки бошқа ҳудудларда ҳам машҳурдир. Ана шундай зиёратгоҳлардан бири Нурота воҳасининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган "Нур ота" зиёратгоҳидир. Маълумки, Нур (Нур ота) зиёратгоҳи ва қадамжоси авваламбор бу ерда муқаддаслаштирилган, суви йил давомида доимо бир хилда сақланувчи ва шифобахшлик хусусиятига эга чашма (булоқ) номи билан боғлиқ. Халқ бу ерни азиз билиб зиёрат учун ташриф буюради, булоқ сувидан истеъмол қилади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Нурота қадамжосининг тарихи Пайғамбаримиз авлодларидан бири, IX асрда яшаган ва ислом тарғиботчиларидан бири сифатида бу ерга ташриф буюрган Абул Ҳасан Нурий (Нури Ота) номи билан боғлиқдир. Ул зот узоқ йиллар бу ерда яшаб ислом динининг кенг ёйилишига хизмат қилиб, шайх даражасига кўтарилди. Вафот этганларидан сўнг мазкур булоқ ёнига дафн этиладилар. Ушбу масканининг ажойиботларидан яна бири булоқнинг қоқ марказидаги тошлар орасидан секундида 300-350 литр ҳажмда отилиб чиқаётган шифобахш сув ҳамда ундаги муқаддас балиқлардир. Қадимда Қизилқум чўли орқали ўтаётган савдогарлар булоқ ёнида тўхтаб, унинг сувидан ичишиб, идишларга керагича ғамлашиб яна ўз йўлларида давом этганлар. Маҳаллий халқ томонидан унинг "Ҳаёт булоғи" деб аталиши ҳам балки шундан-дир.

Воҳанинг йирик аҳоли пунктларидан бири Нурота шаҳри Қизилқум (ўтмишда Скиф даштлари деб аталган)га туташ бўлиб, қадимда Сўғд давлати учун шимолий дарвоза вазифасини ўтаган. Бу ердаги Искандар Зулқарнайн даврида қурилган осмондаги етти қароқчи юлдуз шаклини эслатувчи Нур қальъаси ва бошқа харобалар шаҳарнинг қадимийлиги исботидир. Шаҳардаги чойхоналар, гузарлар, карвонсарой ва қадимги масжидлар ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда узоқ-яқиндан зиёрат учун ва шифо истаб келган кишиларга хизмат қилган.

Шу билан бирга бу ердаги бир қанча қишлоқларда сув манбаи ҳисобланган шифобахш ва муқаддас булоқлар мавжуд. Булар Кўшработ тумани Пчот қишлоғидаги "Балиқчи ота", Синтоб қишлоғининг шимоли-шарқидидаги "Фозилмон ота", Фориш тумани Гараша қишлоғидаги "Жандаҳор ота", Ўҳум қишлоғидаги "Чашмаи зиндағони", Синтобдаги "Шикантўда", "Чархона", "Биби-кон", "Хўжапорсон", "Сипедорак" булоқларидир. Ҳаёт йўли талқинида биз нафақат муқаддас булоқни, балки бутун Нурота тизма тоғи, бу ердаги ажойиб масканлар, гўзал табиати, боғларию шифобахш сувлари, меҳмондўст, бағри очик халқи ва уларнинг турмуши, ҳаёт тарзини ҳам назарда тутмоқдамиз. Қизилқум саҳроси бўйлаб ўтган карвон йўлини тадқиқ этган Н.Немцеванинг фикрича, ўрта асрларда Нурота тоғининг шимолий ёнбағри бўйлаб ўтган карвон йўли тузкон кўли атрофида кескин шимоли-шарққа бурилган ва масофани анча қисқартирган ҳолда Сирдарё соҳилига чиққан. Бу эса савдо карвонларининг шарқда нафақат Тошкент, Хўжанд, ғарбда Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби шаҳарларга чиқиш имконини берган, балки, уларнинг тўғридан-тўғри Дашти Қипчоқ орқали шимолга, Қашқар орқали Хитойга томон йўналишларига ҳам имконият яра-

Бу йил узбек дostonчилигининг етук намоёниси — бахши-шоир Фозил Йулдош угли таваллудининг 130 йиллиги Республикамиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Бундай тадбирлар бахши тугилган юрт — Булунгурда байрамона кайфиятда ўтказилмоқда. Яқинда булиб ўтган тадбирларнинг бирида бахшининг қизи Улбусин опа ҳамда Фозил Йулдош углининг шоғирди, меҳнат фахрийси Мелибой Раҳимовлар иштирок этишиб, бахши ҳақидаги хотираларини гапириб беришди.

— Мен узбек дostonчилигининг кузга қуринган бахши шоирларидан бири — Фозил Йулдош углининг фарзанди эканлигимдан фخرланаман, — дейди Улбусин опа. — Ҳар гал отам ҳақида эсласам, ҳаёлимда ширин хотиралар пайдо бўлади. Оилада беш фарзанд эдик. Отам раҳматли ҳар биримизга алоҳида бир меҳр билан боқарди. Отам биз фарзандларига ҳам жуда кўп дostonларни айтиб берарди. У кишининг ўзига хос одатларидан бири, утмиши ҳақида гапиришни негадир унчалик хушламасди. Менинг билишимча, уша қора кунларни эслаш отам учун оғир эди, шекилли. Гарчи отамнинг саводи булма-са-да, сермулоҳаза, вазмин ва камтарин инсон эди. Кишилардаги турғиликни, мардликни қадрларди. Ёлгон-

"НУР ЙЎЛИ"ДАГИ ҲАЁТ БУЛОҒИ

тиб берган. Бу жараён чўл маданиятининг Жиззах ва Бухоро воҳаси аҳолиси маданиятига яқинлашишига ёрдам берган ва кейинги даврларда баъзи кўчманчи аҳолининг ўтроқлашишига туртки бўлган.

Бу ерда ўлканинг савдо ҳамда сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган, унча катта бўлмаган, аммо қадимий Жўш, Нурота, Синтоб, Фориш, Ўҳум, Устук, Катта Эж каби аҳоли пунктлари мавжудки, улар Буюк ипак йўли орқали ўтувчи савдо карвонлари тақдирида ўзига хос аҳамият касб этган.

Шу билан бирга олимлар томонидан воҳада олиб борилган археологик изланишлар туфайли Нурота тизмасининг Мирзачўлга борадиган карвон йўллари ва уларнинг атрофидаги манзилгоҳларда карвонсаройлар,



Суратда: Форишнинг Ўҳум қишлоғидаги "Чашмаи зиндағони" (Ҳаёт чашмаси) ўтган йилги қургоччиликда ҳам одамларни таъминлаб турди.

сув омборлари, кориз кудуқлар борлиги аниқланган. Тарихчи Я.Фуломов ва Калтепада текширувлар ўтказган археологлар бу кичик воҳа ўрта асрларда ҳам обод бўлган, деган хулосага келдилар. Ушбу ҳудуддаги карвон йўлининг Фориш тумани орқали ўтадиган йўли энг қисқа ва қулай ҳисобланган. Мирзачўлга олиб борадиган бу карвон йўли ниҳоятда қуруқ, сувсиз бўлганлигига қарамай, йўл қисқа бўлганлиги туфайли ўрта асрларда савдо карвонларининг бу йўлда серқатнов бўлишига олиб келган.

Ўтмишда савдо карвонлари савдо уюшмаларига бирлашиб ўзаро савдо-сотикда чек ишлатганлар. Карвонлар мўлжалланган ёрга борганларида шу чекни тегишли савдогарга кўрсатиб, чекда кўрсатилган пулга тўла равишда мол олишлари мумкин бўлган. Савдогарлар молга-мол алмаштириш йўли билан ҳам савдо ишларини олиб борганлар. Фориш тумани марказидаги Кўҳнабозор номли қишлоқ бозорида чорва ва саноат молларини кўтарага сотиш, товар айирбошлаш, қўшни мамлакатлардаги нарх-навони билиш мумкин бўлган.

XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хони Абдуллахон Ўрта Осиёнинг катта ҳудудларини эгаллагач, ҳозирги Фориш туманидаги Учқулоч қони ёнида "Хонбанди" номи билан аталувчи ўзига хос сув иншоотини қурдиради. Унинг ташаббуси билан карвон йўлларидаги сув танқис ойларида сувни сақлаш учун махсус гўмбазли ҳовузлар — сардобалар ҳам қурилади. Сардоба атрофида молларни суғориш учун охурлар қурилиб, унга сув махсус тарнов орқали оқизилган ва уни назорат қилиш учун қорювуллар тайинланган.

Тарихий маълумотларга қараганда, Зарафшон водийсида 44 сардоба мавжуд бўлган, шундан иккитаси Жиззах чўлида қурилган.

Шуниингдек, Нур воҳасини кориз кудуқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки улар сув тақчил пайтларда нафақат қишлоқлар аҳолиси, балки савдо карвонлари, чўпонлар, мол уюрлари учун ҳам ҳаётий манба бўлиб хизмат қилган. Бу ерда қадимда ўнлаб коризлар қурилган бўлиб, Зулмкориз, Искандар кудуғи, Шаршараи Кўчот каби коризлар ўрни ҳозир ҳам мавжуд. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу ўзига хос сув иншоотларидан XX аср 20-йилларида ҳам керагича сув оқизилган.

Нурота тоғларига туташ воҳалар қадимда Буюк ипак йўли орқали ўтувчи карвонлар учун нафақат ўзига хос савдо, маданий-маиший масканлар бўлиб хизмат қилган, балки Буюк ипак йўли равнақиға хисса қўшган ва ўлка ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнаб, ўзига хос марказ вазифасини ўтаган. Аҳолининг хўжалик турмуши ҳам ҳудуднинг табиий иқлим шароити билан боғлиқ ҳолда, асосан, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик бўлиб, хўжалик фаолиятининг бу турлари бир-бирига боғлиқ ҳолда нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё ва шарқнинг бошқа мамлакатларидан келаётган савдо карвонлари тақдирида муҳим роль ўйнаганлиги боис, Нурота карвон йўлининг "ҳаёт йўли" сифатида машҳур бўлганлигини тан олишга ҳақлимиз.

Файзулла ТОЛИПОВ,
ЎзРФА Тарих институти тадқиқотчиси

ДЎМБИРА САДОЛАРИ

чилик, манманлик, мақтанчоқлик каби иллатларни жуда ёмон кўрар ҳамда шундай иллатли кишилардан узини олиб қочарди. Дoston ва термаларида бу мавзулар етакчи урин тўтарди.

Гоҳида дostonларга қушимчалар қушмоқчи бўлса, мени ёнига олиб ёздирар эди. "Алпомиш" ва "Юсуф Аҳмад" дostonларининг айрим қушимчаларини мен ёзган эдим.

Албатта, отамнинг ҳаёти бир маромда давом этмаган. Баъзида отам айтган дostonларга ҳам "тош отишлар" бўлди. 1948 йили баъзи сабабларга кура "Алпомиш"да бойнинг угли мақталган, деган мазмунда мақола ҳам эълон қилинганди. Шу дамларда отам куп уйланди. Биз фарзандлар эса, шундай оғир дамларда отамизга қанот бўлдик, яхши гаплар билан кўнглини кўтардик. У кунлар ҳам ортда қолди. "Алпомиш" дostonи халқ севган асар сифатида тан олинди. Бугун отам таваллудининг 130

йиллигини кенг нишонлаш ҳақида вилоят ва туман ҳокимлигининг қарорлари чиққанлиги биз учун қувонарли ҳол. Отам руҳини шод этиш ниятида қилинаётган бу ишларга бош булганларга бахши-шоирнинг фарзанди сифатида минг раҳмат дейман".

"Аслида менинг ҳам томиримда бахши шоирлар қони бор" — дейди Мелибой ота Раҳимов бахши ҳақидаги хотираларни сузларкан. — Шерали бувам, яъни онамнинг отаси Булунгур дostonчилик мактабида фаолият курсатган шоирлардан бири булган. Шу боис булса керак, халқ оғзаки ижоди — менинг жони дилим.

1947 йил Фозил Йулдош углининг 75 йиллиги кенг нишонланди. Тадбир шоир истиқомат қилаётган Лойқа қишлоғидаги мактабда булиб ўтди. Мен уша пайтларда шу мактабда оддий ўқитувчи булиб ишлардим. Тантанада мен ҳам Фозил отага бағишлаб ёзган шеърларимни ўқиб олқиш


Xotira

олдим. Тантана сўнгида севимли адибимиз Асқад Мухтор олдимга келиб: — Ука сиз адабиётга қизиқадиган йигитга ухшайсиз, иложи булса Фозил отага ёрдам бериб турунг, — дедилар.

Шу-шу бахши шоир даргоҳи менинг иккинчи уйимга айланди. Фозил ота билан қанчалаб дилтортар суҳбатлар қурганмиз. Шоирнинг қизлари айтганидек, Фозил ота утмиши ҳақида гапиришни хуш кўрмасди, баъзан болалиги ҳақида сураб қолсам, "қуй уша кунларни эслатма", дея узоқ тин оларди. Шоир билан суҳбат асносида у кишининг термаларини қандай қилиб яратишларига гувоҳ булганман. Шоир мени адабиёт билан янада яқинлаштирди. Мен Фозил отанинг маслаҳати билан Тошкент Давлат университетининг журналистика бўлимига ўқишга кирдим. Ҳар гал қишлоққа келишим билан Фозил ота ҳузурига шошиламан. Суҳбатимиз тезда авж олиб кетарди. Ота-хон шоир қўлларига думбирасини олиб, қуйилиб келаётган терма ва дostonларни мароқ билан қуйларди. Мен эса зерикмай унинг ҳар бир сатрини диққат билан тинглаб, қалбимга жо этардим. Зеро, бутун ҳаётда не яхши нарсага эришган булсам, бу аввало, устозим Фозил отанинг кумаги биландир".

Дониёр ЎРОЛОВ,
РТМ бош услубчиси

ЕНГИЛ САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЛК МАНБАИ



Бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакатимиз тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, мавжуд имкониятларни ишга солиб, саноатга хориж сармояларини кенг жалб қилиш асосида тайёр

ҳол ёш кадрлар олдига доимий равишда тинмай ўз устида ишлаш, ўқиш, изланиш, замонавий техника ва технологияларни, бозор иқтисодиёти қонуниятларини эгаллаш, хорижий тилларни пухта билиш, ишбилармон ва тадбиркор бўлиш каби ўта масъулиятли вазифаларни кўймоқда.

Бугун институтда мавжуд энг замонавий компьютерлар, хориждан келтирилган илғор дастгоҳ ва технологиялар, ўқув дастурлари талабалар ихтиёрига берган. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларимиз АКШ, Япония, Германия, Бельгия, Греция, Буюк Британия, Швеция каби қатор ривожланган мамлакатларнинг нуфузли университет ва институтларида ўқиб, малака оширмоқдалар. Хорижда амалиётни ўтаган талабаларга нафақат энг замонавий қўшма корхоналарда ишлаш, балки улар фаолиятини ривожлантириш ва технологик жараёнларни янада такомиллаштириш бўйича ўз тақлифларини ҳам бермоқдалар.

Мамлакат тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларини янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ушбу соҳада кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг янада ошишига олиб келади. Дарҳақиқат, бугун институтда таълим олаётган ёш мутахассис кадрларга эҳтиёж жуда катта. Бир неча йилдирки, институт уларни буюртмачи корхоналар билан тузилган шартномага мувофиқ тайёрлаб келмоқда. Демак, институтнинг истиқболи ва келажаги порлоқ.

Мустақиллик йилларида институтда кадрлар тайёрлаш билан бирга, илм-фан ривожига бўлган эътибор ҳам кучайди. У том маънода пахта тозалаш саноати, тўқимачилик, енгил ва бошқа соҳалар учун нодир илмий тадқиқотлар маркази бўлиб қолди. Олимларимизнинг фаол илмий изланишлари, ихтиро ва кашфиётлари натижасида тармоқ корхоналарда янги-янги хомашё турлари, уларни қайта ишлаш асбоб-ускуналари, тайёр маҳсулот олиш йўллари, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш усуллари яратилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришда бирламчи эътибор республикамизнинг иқлим шароити, халқимизнинг миллий қадриятлари, анъаналарини ҳисобга олишга қаратилмоқда. Мазкур йўналишлар бўйича илмий-тадқиқотлар сифат ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида институт илмий кенгашига нафақат номзодлик, балки докторлик диссертацияларини ҳам ҳимояга қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Унинг қошида "Тўқимачилик муаммолари" илмий-техник журнали нашр этила бошлади. Институтда таълим соҳасидаги ихлоқотларни изчил амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва Кадрлар

тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич жорий этиш истиқболи йўлида "Васийлар кенгаши"ни ташкил этиб, ички ва ташқи инвестицияларни кўпроқ жалб этиш борасида ибрат ва намуна бўладиган катта тажриба тўпланди.

Кейинги 10-12 йил давомида институтда қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ойлик маош ва стипендияларга қўшимчалар, байрамларда қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари бериш, шунингдек, доимий равишда уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса, ногирон, бетоб устозлар, пенсионерлар ҳолидан хабар олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, "Уч авлод учрашуви" маънавий-маърифий тадбирлари анъанага айланди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш жоизки, институтимизда талаба-ёшларнинг ҳар томонлама мукамал таълим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Ишларимизнинг янада муваффақиятли бўлишида етак профессор-ўқитувчилар жамоасининг ҳиссаси катта. Айни шу педагогик жамоанинг самарали меҳнати туфайли, институт рейтинг кўрсаткичлари бўйича республикадаги мавжуд 62 та олий ўқув юрти орасида фахрли биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.


Аминмизки, институтимиз профессор-ўқитувчилари билан бундан буюн

Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти ўзининг 70 йиллик тўйи

Tadbir

баҳонасида шу муносабат билан 10-11 октябрь кунлари "Тўқимачилик 2002: Инновация — юқори даражадаги технологиялар самарадорлиги" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуманда турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, халқаро уюшма ва бирлашмалар вакиллари, МДХ ва мамлакатимиздаги турдош олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, енгил саноат корхоналарининг раҳбар-ҳодимлари ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Асосий мавзу — пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил ва матбаа саноатида инновациялар самарадорлигининг долзарб муаммоларига бағишланди.

Анжуманнинг мавзуси бежиз инновация истиқболларига бағишланмади, — дея таъкидлади конференциянинг очилиш маросимида Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидхўрор Фуломов. — Бойси, сўнгги йилларда институтда турли давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ҳукуматимизга ажратилаётган инвестиция ва грантларни ўқув тизимига самарали жалб этиш туфайли инновацияни ривожлантириш, замонавий технология ва ускуналарни яратиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида таълим тизимига турли замонавий ускуна ва жиҳозларни жорий қилиш, талабаларнинг уларда ишлаш қобилиятини шакллантириш борасида ҳам ўқув тизими такомиллашди. Шунингдек, институт профессор-олимлари томонидан янги-янги илғор технологияларни яратиш, ишлаб чиқариш суръати ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда илмий-тадқиқотларнинг асосий йўналишлари янги ресурсларни тежашга мўлжал-




маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Бугун бу борада катта амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, юртимизда етиштирилаётган пахта толасини қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 1990 йилги 8 фоиздан 2001 йилда 22 фоизга етди. Бу кўрсаткич 2005-2010 йилларда 50-60 фоизга етказиш вазифаси кўйилди.

Табиийки, бу ишни мукамал ва тез ҳал этиш кўп жиҳатдан пухта билим ва юқори малакага эга, юксак маданият ва маънавият соҳиби бўлган, иродаси мустаҳкам, гоёвий эътиқод ва дунёқараши барқарор комил инсонларга, хусусан, ёш мутахассис-кадрларга боғлиқ.

Шу маънода, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчилари ва жамоаси республикамиз иқтисодиётининг устувор йўналишларидан ҳисобланган енгил саноат тармоқларига давр талабига мос юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беришга ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бугунги кунда институтни битириб чиққан минглаб кадрлар республикамизда, шунингдек, МДХ давлатларида ва бошқа қатор хорижий мамлакатлардаги корхоналарда, илмий текшириш институтларида, турдош олий ўқув юртиларида, биржа ва божхона тизимларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўз навбатида институт раҳбарияти ва жамоаси бозор иқтисодиёти қонуниятларидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлашни соҳа корхоналари буюртмаси асосида олиб бормоқда. Кейинги йилларда хорижий ҳамкорлар билан шерикликда қурилган ва қуриллаётган қўшма корхоналарда институтда тайёрланаётган бакалавр ва магистрларга бўлган талаб ортмоқда. Бу



ҳам 3500 нафар талабаларга билим сирларини ўргатиш, назарий билимларни амалиёт билан биргаликда олиб бориш, талаба-ёшларни элим деб, юртим ёниб яшовчи ватан фидойилари қилиб тарбиялаш, шунингдек, ўз илмий кашфиёти ва ихтиролари билан Ўзбекистон пахта, тўқимачилик, енгил, матбаа, қоғоз саноатини ривожлантиришга, халқимизни чиройли ва бежирим мато, нафис газламалар, пойафзаллар билан таъминлаш, келажакда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларининг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига, ўзбек пахтаси, ипагидан тайёрланаётган замонавий кийим ва костюмбоп газламалар дунёда харидоргир бўлишига эришадилар.

Зеро, институтимиз жамоаси доимий изланишда, тараққиётда давом этмоқда. Бу бизнинг истиқлол берган имкониятлардан ҳар томонлама кенг фойдаланиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссамиз бўлади.

Табиийки, олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда янада самарали меҳнат қилиш институт профессор-ўқитувчилари ва бутун жамоамиз аҳлининг халқ, Ватан истиқболи олдидagi бурч ва масъулиятимиздир.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
маънавий-маърифий ишлар
бўйича проректор

ИННОВАЦИЯ — ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ

ланган технологиялар, тўқимачилик материаллари ва буюмлари, минтақавий иқлим, гигиена, демография шароитларини ҳисобга олган кийим ва пойафзал маҳсулотларини тайёрлаш ускуналарини такомиллаштириш, пахта тозалаш, тўқимачилик ва енгил саноат тармоқлари маркетинги ва менежменти технологияларини ишлаб чиқишдан иборат. Институтда бу йўналиш бўйича ҳар йили 15-20 млн. сўм маблағ сарфланмоқда. Шунингдек таъкидлаш керакки, институт бу борада республикада етакчи олий таълим муассасаси деб эътироф қилинмоқда.

Бугунги кунда институт кафедралари базасида ноёб илмий мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Улар тегишли тармоқларда илмий-техника тараққиётининг асосий йўналиш ва истиқболларини белгилашда муносиб ҳисса қўшмоқда, — деди ўз сўзида "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси раиси Ботир Эргашев.

Таълим муассасасида ўқув жараёни ва илмий изланишлар моддий-техник базасини модернизициялаш, ёш ўқитувчи ва мураббийларни хорижий мамлакатлар нуфузли олий ўқув юртилари ва илмий марказларида малака оширишларини таъминлаш борасида ҳам чет эл инвестицияларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўтган 10 йиллар мобайнида институт ўқув тизимига жами 6 млн. АҚШ долларига тенг хорижий сармоя жалб қилинди. Жумладан, TEMPUS дастури бўйича 415 минг доллар, Германиянинг "HEIDELBERG" фирмаси билан ҳамкорликда 500 минг Дойч марка қийматида тенг ускуна ва жиҳозлар, асбоб-ускуналар келтирилиб, замонавий ўқув марказлари жиҳозланди. Биргина Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами туфайли 4 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағини ҳам таълим тараққиёти учун сарфланди.

Конференциянинг очилиш маросимида иштирок этган Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Акио Кавато ўз ҳукумати томонидан яқин келажакда институт таълим тизимига яна 2 млн АҚШ доллари миқдоридagi грант маблағини ажратиш режалаштирилганлигини айтди.

Сўнгги йилларда таълим муассасасининг ўқув-моддий базаси тубдан янгилангани билан бирга, унда турли марка ва тузилмалар ҳам ташкил қилинди. Чунончи, Марказий Осиёда ягона бўлган тўқимачилик материалларини сертифицициялаш маркази (CENTEXUZ) очилди. Халқаро тўқимачилик Академиясига, Матбачи олий ўқув юртининг халқаро ассоциациясига, Халқаро Ипақ уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. 20 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг турдош олий ўқув юртилари билан мустаҳкам алоқа боғланди.

Анжуманда иштирок этган енгил саноат корхона ва бирлашмалари раҳбарлари институт маъмуриятини 70 йиллик тўйи билан қутлаб, ўз самимий истакларини билдирдилар. Ифтихорлиқ билан таълим тизимига янада эҳсонлиқ совғаларини топширдилар. Ифтихорлиқ билан таълим тизимига янада эҳсонлиқ совғаларини топширдилар. Ифтихорлиқ билан таълим тизимига янада эҳсонлиқ совғаларини топширдилар.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, мактабимизни 1971 йили битирган собиқ ўқувчи Темурбек ўзи билим олган масканда янги анъана бошлаш лозимлигини айтиб қолди. Мен ҳам дилимдагини тўкиб солдим: қурилиши "туя гўшти" еб ётган спорт зали, ошхона, туманда энг бой саналадиган кутубхонамизнинг замондан ортада қолаётгани, кўшимча ер майдони ажратилмагани, қисқаси, ҳеч нарса қолмади. Ниҳоят, у билан мактаб кутубхонасини ўқитувчи ва ўқувчилар сотиб олишлари қийин бўлган қимматбаҳо китоблар билан бойитиш анъанасини йўлга қўйишни келишиб олдик.

2001 йилнинг 29 сентябрь куни мактабимизни 30 йил аввал битирган собиқ ўқувчилар

ўзлари учун кадрдон даргоҳга йиғилишди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан учрашув ҳам ташкиллаштирилди. Ҳа куни мактаб кутубхонасига "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"нинг 1-жилди, Абдулла Ориповнинг 4 жилдли танланган асарлар

туғиб қўйишган экан. Яқинда уларнинг бир неча вакиллари мактабга келишиб, собиқ битирувчиларнинг 20 йиллик, 30 йиллик, 40 йиллик учрашуви ташкиллаштириш ва 1971 йил битирувчилари анъанасини давом эттириш ташаббуси билан чиқишди.

лий энциклопедияси"нинг 2-жилди, "Хотин-қизлар энциклопедияси", Абдурауф Фитратнинг икки жилдлик асарлари, "Муаллим — қалб меъмор", "Маънолар хазинаси", "Хива — минг гўмбаз шаҳри", уч жилдлик "Ўзбекистоннинг янги тарихи", Чингиз Айтматов

миз Муҳаббат Раҳматова барча йиғилганлар олдида тўхфа этилган китоблар кўз қорачиғидай сақланиши ва узок вақт ёш авлодга зиё таратиши хусусида тўлқинланиб сўзлади.

Ҳозир жамоамиз аъзолари янги китоблар дунёсига астойдил шўнгиган пайт. Собиқ битирувчилардан тўхтовсиз таклифлар тушяпти. 1962, 1973, 1983 йилги битирувчилар энг ноёб китобларни пойтахтдаги "Шарқ" нашриёт-матбаа концернидан олиб келишмоқчи экан. Бу анъана энг камида "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси"нинг барча 12 жилди мактабимизда жамлангунча давом этадиган бўлди.

Саховатингизга, эзгу ниятингизга офарин, собиқ ва содик ўқувчилар!

Муҳаммад МАМАТВАЛИЕВ,
Чортоқ туманидаги
22- мактаб ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

ИБРАТЛИ АНЪАНА

тўплами ва шу каби 100 та бошқа китоблар тортиқ қилинди. Фахрий ўқитувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Бундай саховатдан руҳланган мактабимизнинг бошқа собиқ битирувчилари ҳам хайрли ишларни дилларига

Шундай қилиб, жорий йилнинг август ойида мактабимизни 1982 йилда битирган собиқ ўқувчиларнинг 20 йиллик учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда собиқ синфдошларим билан биргаликда мактаб кутубхонасига "Ўзбекистон мил-

ва Мухтор Шоҳоновнинг "Чўққиди қолган овчининг оху зори" китобларини тўхфа қилдик.

Тўғриси, Наманган шаҳри китоб магазинларидан улардан ортигини топиш қийин бўлди. Фидойи кутубхоначи-


XIX аср Хоразм адабий муҳитининг етук намоёндаларидан бири, ҳассос шоир Мутриб Хонахароботий ва унинг адабий мероси истиқлол қайтариб берган адабий сарчашмаларимиздан бири саналади. Зеро, шўролар тузуми даврида XIX аср Хоразм адабий муҳити ҳақида гап кетганда Огаҳий, Мунис ва Аваз Ўтардан бошқа шоирлар номи тилга олинмасди. Мана, бугун Хивада шоҳ ва шоир Феруз раҳнамолигида 30 нафардан ортиқ сўз усталари яшаб ижод этгани, Хоразм адабий муҳитини ушбу шоирлар шакллантириб, камол топтиришганини баралла айта бошладик.

Бу бадий сарчашманинг бир қирраси, шубҳасиз, Мутриб Хонахароботий ва унинг серқирра ижодидир. Бугунги кунда шоир ҳаёти ва ижодига бўлган

сида", "Бир яхши даврондур" каби шеър, тўплам, ғазал ва рубоийлари ўзининг гоёвий жиҳатдан пишиқлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоир шеърятининг катта қисми 1909 йилда Шариф Муҳаммад Ёқуб-Харрот томонидан кўчирилган. Бу девонга Мутрибнинг ўз даври ижтимоий-сиёсий қарашлари, халқ ҳаёти ва орзу-умидлари акс эттирилган 300 дан ортиқ шеър, ғазал ва рубоийлари киритилган.

1920 йилларда Мутриб Хоразм адабий муҳитининг етакчи намоёндаларидан бирига айланади. Бироқ Хивада шўролар тузуми ўрнатилгач, Хоразм адабий муҳити намоёндалари турли томонга тар-

«Ma'rifat»ga maktublar



Тил инсон кунглининг даракчиси. Биз тил орқали куп яхши нарсаларга эришамиз. Демак, тил жамиятнинг кучи, тиргаги ҳамда урناق маҳсулидир. Инсон тафаккури тил орқали воқеликда акс этади, фикр алмашиш вазифасида эса тил воқеликни тафаккур билан боғлайди.

Ҳозирги кунда ўқув-тарбия жараёнини янги педагогик технологиялар билан бойитиш билан бир қаторда чет тилларни ўқитиш, малакали кадрлар етиштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, чет тиллар деганда қайси тиллар тушунилади ёки инглиз тилини асосий чет тили деб ҳисобловчилар ҳақми, нега бошқа тилларни ўқитиш сусайиб кетди, каби саволларга жавоб ахтариш жараёнида бир талай жумбоқларга дуч келдик.

Маълумки, кейинги йилларда инглиз тилига булган эътибор анчайин кучайди. Ота-оналар уз фарзандларини ўқитишда, диққатни купроқ инглиз тилига қаратишмоқда. Чунки, купчилик ота-оналар билан суҳбатлашганимизда улар биз боламиз инглиз тилини билишини истаймиз, дейишди. Бу эса айрим мактаб директорларига қул келмоқда ёки улар ҳам чет тили деганда фақатгина инглиз тилини назарда тутишмоқда. Нега?! Балки ўқувчининг немис тилига қизиқиши кучлидир. Ваҳоланки, чет тиллардан немис, француз, испан, ҳинд ва шунга ухшаш тиллар ҳам мавжуд-ку?!

Маълумки, мактабларнинг купгина қисмида инглиз тили гуруҳига нисбатан немис тили гуруҳидаги болалар сони кам. Шу боис айрим немис ёки француз тили мутахассислари ҳам мактабларда айнан инглиз тилидан сабоқ беришмоқда. Наҳотки, инглиз тилига булган қизиқишни немис ёки француз тилига нисбатан ҳам уйғотиш қийин бўлса?!

Бугунги кунда Германия—Ўзбекистон ҳамкорлиги тобора ривожланаётгани сир эмас. Ўзбекистонлик куплаб ёшлар Германияда

билим олишиб, уларнинг маданияти, санъати ва адабиётини урганишмоқда. Германия Федератив Республикасида ташкил этилган академик алмашув хизмати ташкилотининг вақили Ўзбекистонда узаро алоқаларни янада яхшилаш учун хизмат қилаётир. Шу билан бирга Германия ва Ўзбекистоннинг олий ўқув юртлири уртасида узаро ҳамкорлик йўлга қўйилиб, "Умид" жамғармасининг расмий ҳамкори сифатида унинг танлови голибларининг Германияда стипендияли дастур асосида таҳсил олишларини ташкиллаштириш ҳам бунга яққол мисол бўлади.

Бу гапларни айтишдан мақсадимиз шуки, ёшларимиз купроқ чет тилларни, жумладан немис тилини ҳам пухта урганса, унинг грамматик қурилишини мукамал билишга қизиқишса янада яхши буларди. Шу билан бирга иқтидорли ўқувчи ёки талабалар сафидан немис тили ёки бошқа тилларда сузлашаётган ўқувчилар сони янада купайса, мақсадга мувофиқ булар эди. Негаки, тил билган инсон хор бўлмас.

Ш.БЕҒАШЕВА,
ТерДУ ўқитувчиси,
Дилбар НОРМУРОДОВА,
ўқитувчи

МУТРИБ ХОНАХАРОБОТИЙ

қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Лекин Мутрибнинг сўнгги ҳаёти ҳақида шу пайтгача деярли ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Изланишлар натижасида яқинда шоир ҳаётининг давомчиларидан бири — қизи Хонимжон Ҳасанованинг Хоразмнинг чекка қишлоқларидан бирида яшаб, 1993 йилда вафот этгани аниқланди.

Мутриб Хонахароботий (асли исми Муҳаммад Ҳасан ўғли) 1854 йилда Хивадан унча узок бўлмаган Оқдарбанд қишлоғида дунёга келади. У ёшлигидан илм ўрганиш, ўқишга ҳавас қўяди. Аввал қишлоқдаги эски мадрасада ўқиб хат-саводини чиқаради, сўнгра Хивадаги Муҳаммад Аминхон мадрасасида таҳсил ола бошлайди. Бу даврда Хивада шоҳ ва шоир Феруз раҳбарлигида йирик адабий муҳит шаклланганди. Бу муҳитга яқинлашиб Мутрибнинг бадий ижодга бўлган ҳавасини янада орттиради. У Навоий, Фузूलий каби ижодкорларнинг асарларини кунт билан ўрганади. 1890 йиллардан бошлаб ўзи шеърлар ёза бошлаш билан бирга мусиқага ҳам кучли иштиёқ қўйиб, танбурда мақом куйларини чертиш билан кўпчиликка манзур бўла боради. Шу боис ўзига Мутриб, яъни созанда деб тахаллус олади. Кўп ўтмай шеърят ва созандачиликда ном қозонган Мутриб саройида ишга таклиф қилинади. Бу ерда у Аваз, Чокар, Мирзо ва Баёний каби шоирлар билан танишиб, улар билан ҳамкорлик қилади. Унинг "Юрғ мия", «Марш», "Қа-

қаб кетишади. "Сарой шоирлари" дея инқилобчилар томонидан сиқувга олина бошланган кўплаб илм аҳли Хивадан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлишади. Лекин бу талотўмлардан боши омон қолган Мутриб бироз вақт элнинг тўю ҳашамларида соз чалиб, кун кўришга мажбур бўлади. Кейинроқ дўст-ёрлар кўмагида "Инқилоб кўеши" (ҳозирги "Хоразм ҳақиқати") газетасига ишга киради.

Мутриб Хонахароботий 1925 йилда Хивада вафот этади. Ундан икки фарзанд қолган. Шоир вафотидан сўнг тўнғич фарзанди (Ҳошим Ҳасан ўғли) Хивада болалар уйида тарбияланади. Қизи Хонимжон эса онаси билан биргаликда ота юрти Оқдарбандга кўчиб ўтишади.

Мутрибнинг ўғли Ҳошим Ҳасанов 1938-39 йилларда Фарғона педагогика билим юртида таҳсил олади. У умрининг охиригача ота юрти Оқдарбандда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Қизи Хонимжон ҳам шу ерда турмуш қуради. Беш ўғил, икки қиз кўради. Хонимжон Ҳасанова 1993 йили 77 ёшида вафот этади. Ҳозир унинг катта ўғли — Мутрибнинг набираси Отабой Фуломов Оқдарбанд қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаб келяпти. Бир сўз билан айтганда, бугун Оқдарбандда Мутриб Хонахароботийнинг 70 нафардан ортиқ набираю эваралари яшамоқда. Демак, шоир Мутриб ҳаёти давом этаётир.

Мулла ҚОДИРИЙ

"ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО"НИНГ МУАЛЛИФИ КИМ?

"Маърифат" газетасининг шу йил 1 июнь сонидида мактаб ўқувчиси Абзор Умарқулловнинг "Баҳсимизни ечиб беринг" номли мактуби эълон қилинган эди. Афтидан, у ўқитувчисидан қониқарли жавоб ололмаган, боз устига ўзи мактубида зикр этган дарсликларни ҳам жиддий ўқиб чиқмаган кўринади. Айниқса, ёш китобхон профессор Н.Маллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" (Тошкент, "Ўқитувчи", 1976, 270 — 286-бетлар) китобини синчковлик билан ўқиганида эди, Дилором исми ўқувчи киз билан арзимас мавзу устида баҳслашмас, "Жомийнинг бундай асари йўқ" деган қатъий ва ғалати хулосага келмас, ҳатто, "Маърифат"дан ёрдам сўрашга зарурят сезмасди. Мен бу ўринда Абзорни айбламоқчи эмасман. Балки бундай иккиланишнинг боиси, айрим мактабларда бир сюжет асосида бир неча достонлар вужудга келгани ва бу

фан тилида "сайёр сюжет" деб юритилиши ўқувчиларга пухта ўргатилмаётганидан, деб биламан.

Маълумки, XV асрнинг йирик мутафаккири ва буюк намоёндаси Абдураҳмон Жомий ҳам ҳамсачилик анъанасига ҳисса қўшган ҳамда етти достондан иборат "Хафт авранг" ("Етти тахт") достонлар мажмуини яратган. Ана шу "Хафт авранг"нинг учинчи достони "Юсуф ва Зулайҳо" бўлиб, уни форс-тожик тилидан ўзбек тилига биринчи марта XIX асрда йирик мутаржим Муҳаммад Ризо Огаҳий таржима қилган. 1983 йилда замондошимиз Олимжон Бўриев ҳам бу достонни ўзбек тилига ўғирди.

Бундан ташқари, XVII асрда Нозим Ҳиравий, XVIII аср охири XIX аср бошларида эса Жунайдулло Ҳоziқ ҳам "Юсуф ва Зулайҳо" номли достон яратган.

Туркий тилдаги "Юсуф ва Зу-

лайҳо" Абдураҳмон Жомий достонидан ҳам аввалроқ, яъни 1409 йилда яратилган ва Н.Маллаев дарслигидан достон муаллифи Дурбек дея кўрсатилган. Профессорлар Нажмиддин Комилов ва Боқижон Тўхлиевлар тузган дарслик-мажмуада эса бу асарнинг муаллифи номаълум эканлиги таъкидланган. Айтиш жоизки, мазкур достондан бошқа яна XIX асрда Андалиб ва Мулла Курбон Хиромий ҳам ўзбек тилида "Юсуф ва Зулайҳо" номли достон яратган. Шунингдек, уйғур шоири Мулла Юсуф Ёркандийнинг 1791 йилда худди шу номда достон яратгани ҳам адабиёт тарихчиларига жуда яхши маълум.

Хуллас, бир сюжет асосида бир неча муаллиф бир неча достон яратиши мумкин эканлигини адабиёт муаллимлари унутмасликлари лозим.

Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ,
ҚаршиДУ доценти, филология
фанлари номзоди

Mehr manzili

ЮЗИМ ЁРУҒ,
КЎНГЛИМ ТИНЧ

Шоҳида опа Азимова ҳар бир сабоқни ўтаётганда ўзига хос ёндашуви билан шогирдлари меҳрини қозона олган устозимиздир. Бизга мавзунини тўла-тўқис ёритиш ва тўлақонли тушунтириш учун доимо ҳаётини мисоллар келтириб, ҳар бир тингловчи қалбига йўл топа олади.

— Шифокор нафақат ўз вақтида берган тиббий ёрдами билан, балки ширин сўзи ва инсоний меҳроқибатлилик фазилати билан-да даволаши зарур, дейди Ш.Азимова ва биз доимо интиқлик билан кутаётган ҳикояларини бошлайдим. — Ҳанда пойтихтимиздаги туғруқхоналардан бирида ишлардим. Бир ҳомиладор аёлни кечга яқин олиб келишди. Аҳволи жуда оғир эди. Малакали шифокорларимиз беморга зудлик билан қон қуйиш лозимлигини айтишганда, ташқарига чиқиб

қарасак, унинг яқинлари кўринмади. Аёлнинг қон гуруҳини сўрасам, меники билан бир хил экан. Ҳеч иккиланмай, унга тонгга қадар икки марта қон бердим. Очиғи ўзининг ҳам анча тобим қочди. Аммо ўша аёл туғруқхонадан фарзандини бағрига босганча чиқиб кетаётганда, қувончдан кўзларимга ёш келди.

Шоҳида опа Азимова мактабда ўқиб юрган пайтдаёқ шифокорлик касбига меҳр



қўйган экан. Отаси Икромжон ака савдо ходими, онаси Шарифа ая тикувчи бўлганлар. Бугунги кунда

улар нафақада, қариллик гаштини суришмоқда. Аввал тиббиёт билим юртининг акушерлик бўлимини, кейин 1-Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетини муваффақиятли тамомлаган Ш.Азимова қатор шифоналарда самарали меҳнат қилган. Бугунги кунда у киши шаҳримизнинг 6-оилавий поликлиникасида шифокор бўлиб ишлаши билан бирга "Холис-умид" фирмасида ҳамширалик ва акушерлик

фанидан ҳам дарс бериб келмоқда.

— Гипократ қасамини ичган ҳар бир шифокор ундан ёрдам сўраб келган беморга ўз отаси, ака-укаси ёки опа-сингисидек муносабатда бўлиши керак. Ана ўшандагина у ҳар томонлама ўз беморини даволай олади ҳамда маънавий қўллаб-қувватлай билади. Ўзим таълим бераётган тингловчиларимга шуни қайта-қайта тақдорлайман. Чунки беморларим ва шогирдларим олдида юзим ёруғ ва кўнглим тинч бўлишини истаيمان. Бу сўзларни менга устозим, таниқли шифокор Динора опа Умарова айтган. Қандай муваффақиятларга эришган бўлсам, шу устозим туғайли деб биламан ва улардан ҳаммиша миннатдорман, — дейди Ш.Азимова.

Дилбар МАМАЖОНОВА
Сурагча: Ш.Азимова шогирдлари билан.

ЁШЛАРГА
БАҲШИДА УМР

Инсон камолотида устознинг, у берган уғилларнинг урни алоҳида. Зеро, жажжи уғил-қиз ана шу муътабар зотнинг берган таълим-тарбияси орқали етуқлик погонасига, курсатган йўлидан эса ўзининг келажак манзили сари одим ташлайди. Шу боис, уқитувчи халқимизда ҳурмат-эҳтиром узгача. Зотан, у бошлаган манзилдан бахтиқбол топган шогирдлари мул унинг.

— Уқувчининг камоли, эришган ютуқлари, — дейди Сирдарё туманидаги 11-мактабнинг биология фани муаллими, Ўзбекистон халқ уқитувчиси Амакбой Кучаров, — уқитувчининг ҳам муваффақияти демакдир. Шогирдим ютуғини куриш менинг бахтим.

Дарҳақиқат, бахт тушунчасини ҳар ким узича талқин этади. Тажрибали муаллим А.Кучаров эса бахтни узидан таълим-тарбия олган, уғиллари орқали уз иқболини топган уқувчиларнинг қўлигида, деб биледи. Ана шу мезон асосида уқитувчи ҳаётини назар солсак, шубҳасиз, муаллим бахтли инсон. Албатта, унга эришиш уқитувчи учун осон кечмади. Олий уқув юртини тамомлаб уқитувчи сифатида тумандаги 11-мактабда иш бошлаган дастлабки давларда



Ehtiom

ноқ уқувчиларга ҳар бир дарса бирор янгилик бериш, уларнинг олтинга тенг ёшлик вақтининг ҳар бир сониясини зое кетказмаслик учун тинимсиз ишлади. Неча-неча тунларни тонгларга улаб, дарсларга пухта тайёрларлик курди. Изланишлари самараси уларок, ёш уқитувчидаги иқтидор, талабчанликни илганган туман халқ таълими бўлими у кишини уч йилдан сунг узи ишлаган мактабга директор этиб тайинлади.

Бугун 70 ёшни қоралаётган, умрини ёшлар камолотида, ҳаётининг мазмунини эса уларнинг порлоқ истиқболда деб билган кекса уқитувчи нигоҳига боқсангиз, ҳали ҳам уша мақсаднинг алангасини, уқувчиларига булган меҳридан эса ана шу аланганинг ҳароратини ҳис этасиз. Буни уқитувчининг ҳозирда ҳам мактабда уқувчиларига биология фанидан сабоқ бериб келаятганлигидан сезиш қийин эмас. Қолаверса, уқувчиларни билим олишга, у орқали эса Ватанининг, эл-юртнинг эртасига муносиб ҳисса қўшишга шай, фидойи инсонлар бўлиб улгайишига ундаш мақсадида энг аълочи уқувчиларга ҳар ойда уз нафақасидан 700 сум миқдорда стипендия жорий қилганлиги ибратлидир.

Б.ЖОВЛИЕВ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мусиқа маданияти юксак даражада ўсиб, республикамиз ва ундан ташқарида ўз мухлисларига эга бўлиб бормоқда. Катта сахналарда, танловларда иштирок этиб ютуқларга эришиб, олқишлар олаётгани бунинг далилидир. Халқимизда "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар" деган нақл бор. Шу боис ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни катта ҳаёт йўлига тайёрлаш уқитувчи-устозлар зиммасидадир. Уз ҳаётини, билими, тажрибаси, маҳоратини болалар тарбиясига бағишлаган устоз-муаллим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган уқитувчи Фарух Мирусмонов мана 50 йилдан ортиқ давр мобайнида Р.Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатиде ишлаб келади. Мактабнинг "Халқ чолгулари бўлими" ташкилотчиси (бўлим 1949 йилда ташкил этилган) ва раҳ-

бари бўлиб, юзлаб шогирдлар тайёрлаган. Улар орасидан Р.Неъматов, Т.Курбонов, Ф.Содиқов, Р.Абдуллаев, Д.Аҳмедов сингари профессорлар, Б.Расулов, Р.Абдуллаев сингари республика санъат арбоблари,

тажрибага бой, кўп қиррали ижодкор. Болалар халқ чолгулари оркестри ўз фаолияти давомида катта-катта сахналарда концерт дастурларини намойиш этган, натижада ушбу оркестр республикада халқ чолгулари

қа шаҳрининг қатор концерт залларида чиқишлар қилган. Оркестрнинг мухлисларга эга бўлишида, эл-юртга танилишида унинг раҳбари Ф.Мирусмоновнинг меҳнати беқиёс. Устоз ўсмирлар ва ёшлар орасида

нинг спектаклларида мусиқалар, болалар учун фортепиано ва чолгу асарларини яратди.

Оркестр ижросидаги айрим асарлар грампластинкаларга ёзилган, республикамизда ўтказилаётган турли тадбирлар, фестиваллар ва танловларда, албатта, оркестр ёки халқ чолгулари бўлими уқувчилари иштирок этади. "Санъат байрами" кўриктанлови, халқ чолгулари оркестрлари фестивали, 2000, 2002 йилларда ўтказилган "Ёш истеъдодлар" танловида ғолибликка муяссар бўлган.

Устоз Ф.Мирусмонов композитор, дирижер, болаларнинг энг яқин маслаҳатгўйи, уларга шогирдлари таъзимда. Яна кўп йиллар ижодий, таълим-тарбиявий ишлар билан чарчамай юришларини, узоқ умр кўришларини истаб қоламиз.

Бахтиёр АЗИМОВ,
педагогика фанлари
номзоди

МИЛЛИЙ ОРКЕСТРИМИЗ
ТАШКИЛОТЧИСИ

Х.Шамсутдинов, Ф.Содиқов каби халқ артистлари ва яна ўнлаб хизмат кўрсатган артистлар, фан номзодлари етишиб чиққан.

Ф.Мирусмонов мактабнинг халқ чолгулари бўлимининг пойдеворини қўйган, атрофига ҳамкасбларини тўғри танлай олган

оркестрлари кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритган. Бу оркестр нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам яхши билишди. Чунки улар Латвия, Литва, Эстония, Украина, Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Қирғизистон ҳамда Мос-

маънавий-маърифий ва амалий-ижодий ишлар олиб бориш билан бирга ижодий бастакорлик билан ҳам шуғулланиб, симфоник оркестр учун "Юбилей увертюраси", халқ чолгулари оркестрига бир қанча мусиқий асарлар, болалар кўғирчоқ театри-

Xotira

Республикамизда органик кимё фанининг ривожланишига ва малакали кадрлар тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олима, кимё фанлари доктори, профессор Амина Абдурасулеванинг таваллуд топганига 90 йил тўлди.

Амина опа 1912 йил 12 октябрда Урганч шаҳрида таваллуд топади. Урта мактабни тугатиб, Хивадаги хотин-қизлар педагогика техникумига ўқишга киради ва уни муваффақиятли тугатади.

Илмга ҳавас қўйган ёш Амина ўз билимини ошириш ниятида Тошкент шаҳрига келади ва 1934 йили Ўрта Осиё Давлат уни-

ни ўрганишга бағишланган бўлиб, ҳозирги кунгача ўз қимматини йўқотмаган.

Амина опа бошчилигида олиб берилган орто-циклогексилфенолни олиш методи саноат миқёсида амалга оширилган. Профессор раҳбарлигида 10 нафар фан номзодлари ва 1 нафар фан доктори тайёрланди. Жуда кўплаб малакали кимёгарлар ҳаётга йўлланма олди. Амина опа ўз илмий ишларини 150 дан ортиқ мақола ва муаллифлик гувоҳномаларида эълон қилди.

Бу азиз инсон ажойиб педагог ва илмий ҳодим бўлиши билан бирга жамоат арбоби ҳамдир. Анча йиллар давомида Тошкент ви-

ТАНИҚЛИ ОЛИМА
ХОТИРАСИ

верситетининг кимё факультетига ўқишга киради. Университетни муваффақиятли тугаллагач, аспирантурада ўқишни давом эттиради ва 1943 йилда номзодлик диссертациясини ёқлайди. Илмга чанқоқ Амина Абдурасулева академик И.Цукерваник раҳбарлигида ўзининг илмий ишларини давом эттиради ва 1965 йили докторлик диссертациясини ёқлаб, ўзбек кимёгар хотин-қизлари орасида биринчи фан доктори бўлади. Орадан бир йил ўтгач, профессор унвонини олади.

А.Абдурасулева 1969 йилдан 1990 йилгача Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг "Органик кимё" кафедрасига мудирлик қилди. Олиманинг илмий ишлари ферролар ва улар эфирларининг реакциялари-

лояти ва туман кенгашларининг депутати бўлиб фаолият кўрсатди.

Олиманинг ёш авлодни тарбиялаш ҳамда кимё фанини ривожлантириш соҳасида қилган катта хизматлари эвазига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилган.


Ҳозирда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг органик кимё кафедрасида олима Амина Абдурасулева бошлаган ишларни унинг шогирдлари муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Олиманинг ёрқин хотираси унинг уқувчилари, шогирдлари ва ҳамкасблари қалбига узоқ сақланиб қолади.

Анвар АБДУШУКУРОВ,
ЎЗМУ доценти

Reuters

КОНГРЕСС БУШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

АҚШ конгрессининг икки палатаси ҳам президент Жорж Бушга Ироққа қарши ҳарбий амалиёт ўтказиш имконини берувчи резолюцияни маъқуллади. 100 кишидан иборат сенатда ушбу резолюцияга 77 киши овоз берди. 25 октябрь куни эса Қўшма Штатларга келадиган Хитой раҳбари Цзянь Цзэмин Жорж Буш билан ушбу масалани муҳокама этади. Келадиган декабрь ойида эса Америка аскарлари уруш бошлашга тайёрлар. Шунингдек, жорий йил



охирига қадар 350 та жанговар самолётга хизмат қилувчи 5 та авианосец Ироқ қирғоқларига келтирилиши кутилмоқда.

Interfax

ГРОЗНИЙДА ТЕРРОР АКТИ

Грозний шаҳрининг Заводск тумани ички ишлар бўлимида юз берган портлаш натижасида 13 киши ҳалок бўлди. 8 нафар киши ўта оғир ҳолатда шифохонага келтирилган бўлса, қутқарув ишлари вақтида яна 3 киши яраланган ҳолатда топилган. Маълумотларга кўра, қурбонлар орасида туман ички ишлар бўлими бошлиғи ҳамда бир неча масъул шахслар бор. Тахминларга кўра, портловчи қурилма учинчи қаватда жойлашган бўлим бошлиғи хонаси остига ўрнатилган бўлиб, фожеа юз берган вақтда бошлиқ хонасида хизматчилар иштирокида кенгаш ўтказилаётган эди. Террактни амалга оширишда бинога кириш ҳуқуқига эга бўлган милиционерлардан ҳам фойдаланилган бўлиши мумкин.



BBC News

ТОНИ БЛЭР МОСКВАДА

Қисқа ташриф билан Москвага келган Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр кеча Владимир Путин билан учрашди. Бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар чоғида асосий эътибор Яқин Шарқ масаласи, хусусан Бағдод муаммосига қаратилди. Британия раҳбари Россия Президентини гарчи Ироққа нисбатан ҳарбий куч ишлатиш режасини қўллаб-қувватлама-са-да, лекин, унга қарши чиқмасликка чақирди. Боиси,



Ироқ бугун ўзининг оммавий қирғин қуроллари билан дунёга хавф солмоқда. Бундан ташқари, учрашувда Исроил — Фаластин ва Чеченистон масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Washington Post

ЖИНОЯТЧИ СНАЙПЕР ҚАЧОН УШЛАНАДИ?

Айни пайтда 3 минг нафардан ортиқ полиция ходимлари, махсус агентлар ва Федерал Тергов Бюроси хизматчилари бутун Вашингтон бўйлаб жиноятчи снайперни қидирмоқдалар. Боиси, 2 октябрдан буён 7 киши снайпер қурбонига айланган ва 2 киши яраланган. Афсуски, бор имкониятлар ишга солиниганига қарамадан снайпер озодликда қолаётган бўлиб, ҳукумат унинг қўлга олинишида ёрдам берган кишига 350 минг доллар мукофот берилишини маълум қилган. Шаҳардаги мактабларда жисмоний тарбия каби ташқарида ўтиладиган дарслар тўхтатилган бўлиб, мактабларнинг хавфсизлиги кучайтирилган. Чунки, снайперга нишон бўлганларнинг энг кичиги 13 ёшли мактаб ўқувчиси ҳисобланади. "ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.



Биз иқтисодиёт соҳасидаги Нобель мукофотида сазовор бўлган буюк олимлар тўғрисидаги ҳикоямизни шу мукофотга биринчилардан бўлиб сазовор бўлган инсонларнинг ибратли ҳаётлари ҳамда бетакрор илмий салоҳияти ҳақида давом эттирмакчимиз. Ана шундай ноёб мукофотнинг дастлабки соҳиб иқтисодчи олимлардан бири Рагнар Фришдир.

Норвегиялик Рагнар Антон Киттил Фриш 1895 йил 3 март куни Ослода туғилган. Унинг аждодлари олтин ва қумуш бўйича заргар бўлганлар. Рагнар ҳам машҳур "Давид Андерсон" фирмасида ушбу касб бўйича ўқиб, 1920 йилда олтин ишлари устаси патентини олган. Онанинг қаттиқ талаби бўйича у Осло университетидан ҳам иқтисод мутахассислиги бўйича ўқиди ва унинг фикрича "бу энг енгил ва қисқа курс эди." 1919 йилда у бакалавр даражасини олганидан сўнг, кейинги йили ўқишни давом эттириш учун Норвегиядан жўнаб кетди. Дастлаб, Франция, сўнгра Олмония, Буюк Британия, Италия ва АҚШда ўқиди. Сўнгра у 1925 йилда иқтисод бўйича профессор ассистенти сифатида Осло университетига қайтиб келди. 1926 йилда математик статистика бўйича диссертация ишини тугатганидан сўнг, у докторлик даражасига эга бўлди. 1928 йилда адъюнкт-профессор, 1931 йилда эса, тўлиқ ижтимоий иқтисод ва статистика профессори ва Осло университети қошидаги Иқтисод институтининг тадқиқот бўлимининг директори лавозимига тайинланди.

Р.Фриш аввало ўз илмий йўналишлари учун асос қилиб, Давид Риккардо, Кнут Винселль, Альфред Маршалл каби атоқли олимларнинг ишларини танлаб олди. Лекин уларнинг айримлари баъзан ўз назарияларига математикани жалб қилганлари билан улар асосан математик тилдан эмас, балки "адабиёт" тилидан фойдаланган эдилар. Уларнинг мантиқий фикр ва исботларини Фриш "туманли ва нурсиз (хира)" деб ҳисоблар эди. Унинг ўзи эса иқтисодиётга "янги старт" беришга, уни математик ва аксиоматик асосларга эга бўлган назария яратиш йўли билан табиий фанларга яқинлаштиришга ва иқтисодчи математик статистикага таянадиган эмпирик тадқиқотлар билан бирлаштиришга интилар эди.

У ўз асарларида ўз гипотезаларининг сонли ифодаси ва статистик текширишга, айни вақтда тахлилнинг бу статистик усуллари қатъий равишда иқтисодий назарияга асосланганига ҳаракат қилган. Ишлаб чиқариш назарияси бўйича бу гоёларнинг айримларини у 1935 йилда эълон қилган "Урнини босиш тамойили: унинг шоколад ишлаб чиқаришда қўлланилишига мисол" номли мақоласида баён қилган. Унинг ишлаб чиқариш базасидаги назария концепцияси кейинчалик пайдо бўлган неоклассик иқтисодий назария учун асос бўлди. Р.Фриш сонли тахлилга бағишланган ўзининг

биринчи ва муҳим бўлган "Корреляция ва статистик ўзгарувчиларнинг ёйилмаси" (1929 йил) номли мақоласида товарлар ва хизматларга бўлган талаб ва таклифнинг нисбати, унда акс этувчи ўзаро боғлиқ ўзгарувчиларнинг ҳаракат тенденцияларидан келиб чиқиб иқтисодиётда руй берадиган қийинчиликларни ёритиб берди. У доимо вақт омилларининг ҳамда вақт билан боғлиқ бўлган ўзгаришларнинг ўта муҳимлигини таъкидлар эди.

Тахлилнинг динамик моделларни яратиш ташаббускори бўлиш билан бирга, Фриш бу соҳадаги кейинги ишларга хусусан Пол Самуэлсоннинг "Иқтисодий таҳлил асослари" (1947 й.) номли асарига ҳам ўз таъсирини ўтказди. 30-йилларнинг ўрталарида Рагнар Фриш давлатларнинг иқтисодий аҳолида ўз аксини топган кенг доирадаги муаммоларга эътибор бера бошлади. Унинг янги тадқиқотлари классик интерпретацияга эга бўлган "Динамик иқтисодда импульс муаммоси ва тарқалиш муаммоси" номли мақоласида ўз ифодасини топди.

Nobel mukofoti sovrindorlari

ошишини) кўрсатиб берди. Унинг моделидаги бундай тебранишларнинг давомийлиги турлича бўлиб, ҳақиқатда қисқа ва узун цикллар ўртасидаги фарқнинг нисбати бўйича ҳисобланар эди.

Р.Фриш депрессиялар даврида машҳур швед иқтисодчиси Эрик Ландау ва Стокгольм мактаби ҳамда Кейнснинг ишлари билан боғлиқ бўлган макроэкономикага янги йўналиш очган олимлар орасида бўлди. У 1933 йилда "Омонатлар ва айланмани режалаштириш" номли китобчасини эълон қилди. Бу китобча иқтисодий депрессияларнинг давомийлигига барҳам бериш мақсадида иқтисодиётга ара-лашувнинг моҳияти тўғрисидаги Кейнснинг айрим қоидаларини талқин қилган эди.

Шунингдек, Фриш депрессия билан қамраб олинган ишлаб чиқаришни тиклаш муаммолари билан ҳам шуғулланди. Бунда талабнинг етарли эмаслиги айрим тадбиркорларни товарлар ишлаб чиқаришига капитал қўйилмаларни амалга

матлари томонидан ишга жалб қилинган. У альтернатив иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигини аниқлаш, унинг миллий даромадга таъсири ва уни тақсимлаш, шунингдек, иқтисодий қарама-қаршиликларни танлаш функциясини тузувчи иқтисодчи-режаловчиларга ёрдам тариқасида иқтисодий қарорлар қабул қилиш моделини яратди. Фришнинг бу соҳадаги қўллаб ишлари нашр қилинмасдан қолиб кетди. Лекин, шунга қарама-дан, унинг фаолияти, шу жумладан ўқитувчилик фаолияти Ослодаги Фриш ишини давом эттирган иқтисод мактабининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Ушбу мактабнинг икки вакили Трюгве Ховельмо ва Лейф Йохансен дунёга танилдилар.

Осло университетидан нафақага чиққанидан сўнг ҳам Р.Фриш иқтисодий сиёсат ва амалиёт соҳасидаги ўз тадқиқотларини давом эттирди. Рагнар Фриш ўз умри давомида тоза ҳавода спорт турлари, шунингдек, асалари-лар ҳаёти билан профессионал даражада шуғулланган. У кўп умрини асалари турларини яхшилаш учун генетик тадқиқотларга ҳам бағишлаган. Кунлардан бирида у ўзининг ушбу машғулларини нафақат "вақтни кўнгилли ўтказиш" балки "умуман кутулиб бўлмайдиган вазваса" деб атаган эди.

1969 йили Рагнар Фриш ва Ян Тинбергенлар биргаликда "иқтисодий жараёнлар тахлилига оид динамик моделлар яратганликлари ва қўлланганликлари учун" биринчи бўлиб иқтисод йўналиши бўйича таъсис этилган Нобель мукофотида сазовор бўлдилар. Швеция қироллиги фанлар академиясининг аъзоси Эрик Ландберг тақдирот маросимида сўзлаган нутқида "Профессор Фриш ўзининг новаторлик ишида цикллар назариясининг динамик ифодасини амалга оширди" — деб таъкидлаган эди.

Фриш касаллиги туфайли Нобель мукофотининг топширилиш маросимида иштирок эта олмади, лекин 1970 йил 17 июнда Осло Университетида "Утопик назариядан амалга: эконометрика" мавзусидаги Нобель маърузаси билан чиқиш қилди.

У 1973 йилда Ослода вафот этди.

Рагнар Фриш Нобель мукофотидан ташқари, Гарвард университетининг Шумпетер мукофоти (1955 йил) ва Италия миллий фанлар академиясининг Антонио Фелтринелли мукофоти (1961 йил) ҳам сазовор бўлган. У Лондондаги қироллик статистика жамияти, АҚШ иқтисодий ассоциацияси ва Америка фан ва санъат академиясининг аъзоси бўлган.

Абдумажит Тўраев,
физика-математика
фанлари номзоди
Ҳосилжон РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Президенти
хузуридаги
Давлат ва жамият
қурилиши академияси
тингловчиси

ИҚТИСОДИЁТ
СОҲАСИДА
ДАСТЛАБКИ
СОВРИНДОР

Бу илмий мақолада кейинчалик иқтисодий цикл тахлилини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган бир нечта янги қоидалар, шу жумладан "микрорекономика" (аҳолида иқтисодий субъектлар соҳасини баҳолаш учун) ва "макроэкономика" (ягона миллий иқтисод доирасида фаолият соҳаларини баҳолаш учун) терминларидан биринчи бўлиб фойдаланилди. Мақолада шунингдек, миллий даромаднинг ҳисоблашнинг энг биринчи тизимларидан бири ўз аксини топди. Кейинчалик у 1948 йилда ушбу масалани янада ривожлантирган, "Иқтисодий оборот ва ишлаб чиқариш жараёнларини ифодоловчи концепциялар тизими" номли мақоласини нашр эттирди.

"Мувоzanат ва номуvozanат тушунчаси тўғрисида"ги мақоласида эса Фриш иқтисодий цикллар моҳиятини янгича усулда ва чуқур очиб берди. Уларда Фриш акселерация тамойили, яъни даромадлар даражаси юқори бўлганда инвестицияларнинг кенгайиш тамойилини ёритиб берди. Унинг динамик макроиқтисодий модели иқтисодий тебранишлар қандай қилиб чиқишини (тўсатдан, урушлар оқибатида, фонд биржасидаги ваҳималар, импорт маҳсулотлари кескин

оширишга рағбатлантирмас, оқибатда бу товарларни сота олмасликдан қўрқар эдилар. Унинг унча тушунарли бўлмаган математик тили ўша вақтдаги издошларини чеклаб қўйди. Омонатлар тўғрисидаги назариясининг моҳияти макроиқтисодиёт соҳаларини ўрганиш учун ноқулай эди. Ундан ташқари, ушбу назарияда Василий Леонтьев, Тъялинг Кунманс ва Леонид Канторович номи билан боғланадиган замонавий режалаштириш назариясининг қўллаб элементлари ўз аксини топди.

1936 йилда Норвегияда ҳукумат тепасига лейбористлар партияси келганидан сўнг Фриш кўпроқ иқтисодий режалаштириш масалалари билан шуғуллана бошлади. Ушбу муаммолар уни урушдан олдин ҳам қизиқтирар эди. У мурракаб ва ночизиқли моделлар яратди. Умуман олганда Фришни сиёсий масалалар қизиқтирмас эди, лекин шунга қарамай Норвегия нацистлар оккупациясида бўлган даврда у нацизмга қарши курашчи ва яхудий бўлганлиги учун қамоққа олинди. У норвегиялик кимёгар Одд Хассел билан бир камерада ўтирган.

Урушдан кейин Р.Фриш маслаҳатчи сифатида Норвегия ва бошқа давлатлар (Ҳиндистон, Миср) ҳуку-

АНДИЖОНДА СПОРТ КОЛЛЕЖИ

Бундан ўн йиллар аввал Андижон шаҳрининг шимолий ҳудуди анча сокин эди. Кейинги йилларда мавжуд шифохоналар мажмуига туташ жойда тиббиёт институтининг мухташам биноси қурилиб ишга туширилиши натижасида ушбу ҳудуд талабалар ва ишчи-хизматчилар билан анча гавжумлашиб қолди. Қолаверса, институт биноси шаҳар кўркини янада очди. Шаҳарга шимолий "дарвоза"дан кириб келаётган ҳар бир киши бу бинонинг салобати ва чиройига ҳавасланиб ўтади.

Айни пайтда шу мухташам бино ёнидаги бўш майдонда Андижон спорт кол-

"Barkamol avlod — 2003"

лежи қурилиши олиб бориляпти. Уч қаватли ўқув корпуси, сузиш машғулотлари учун зарур ёпиқ ва очиқ сув ҳавзалари, енгил атлетика ва мини футбол ёпиқ манежи, теннис ва волейбол майдончалари ҳамда 20 минг томошабинга

мўлжалланган стадиондан иборат бу мажмуа лойиҳаси Марказий Осиёда ҳозирча яғонадир.

Ҳозирда бош пугратчи "Андижонвилоятқурилиш" ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари мажмуадаги барча иншоотлар қурилишини барабар олиб бориляптилар. Бу ишларга мазкур ташкилотнинг 1- ва 4-қурилиш бошқармаларидан ташқари, "Промэнергомонтаж", "Электромонтаж", "Узтрансмахсуқурилиш" сингари



ёпирик ихтисослашган ва махсус бирлашмаларнинг вилоят ҳудудидagi бошқармалари ҳамда бинокорлик ишларига дахлдор ўнга яқин ёрдгачи ташкилотлар жамоалари жалб этилган. Ўтган етти ой давомига бир миллиард 516 миллион сўмлик ишлар бажа-

рилди.

Бу маблағ эвазига қилинган ишларни, аниқроқ айтадиган бўлсак, коллежнинг 300 ўқувчига мўлжалланган уч қаватли ўқув корпуси темир-бетон конструкциялар оралиғида қиштан девор-

лар урилиб, синф хоналари барпо этиляпти. Ўқув корпуси билан ёнма-ён жойда эса темир-бетон ва металл устулар ўрнатилиб, ёпиқ ва очиқ сув ҳавзалари ҳамда енгил атлетика ва мини футбол майдонларининг кўринишлари шакллантирилади бошланди.

Мазкур иншоотлардан сал нарироқда эса 20 минг томошабин сиғадиган замонавий ўйингоҳ қад ростляпти. Спорт мажмуасига ажратилган 11,5 гектарлик умумий майдоннинг ярмидан кўпроғини қамраган стадионни Андижон сув ҳўжалиги қурилиши бирлашмасига қарашли қурилиш-монтаж бошқармаси жамоаси қуриляпти.

Хуллас, катта бунёдкорлик ишлари билан ўтаётган ҳар бир кун спорт коллежи, аниқроқ, мажмуа қурилишининг умумий кўринишини аниқроқ шакллантириб бормоқда. Бунда Исроилжон Тожибоев, Каримжон Абобақиров, Тағир Ҳамидуллин, Аҳмадулло Рўзиев, Қаҳрамон Йўлдошев кабилар бошлиқ бригадаларнинг бинокорлари самарали меҳнат қилишмоқда. Қурувчилар объектнинг биринчи навбати, яъни ўқув корпуси биносини шу йил тўртинчи чорақда қуриб битказишга аҳд қилишган.

Зеро, бу ноёб спорт мажмуининг қуриб битказилиши Андижонда ёш ва иқтидорли спортчиларни тарбиялашга янада яхшилайди ҳамда вилоят марказининг меъморий кўринишини кўркамлаштирувчи иншоотлар қаторидан ўрин олади.

О.СИДДИКОВ,
"Ma'rifat" махсус мухбири

Кураш бўйича ўтказиладиган турли турнир ва биринчиликлар халқаро спорт мусобақалари тақвимидан муқим жой олган. Буюк Британияда ўтказиладиган аънавий «Ислом Каримов» турнири, шубҳасиз, ана шундай нуфузли мусобақалар сирасига киради.

Кураш халқаро ассоциациясининг матбуот хизматидан ЎЗА мухбирига

ЛОНДОНДА
КУРАШ
БЎЙИЧА
НУФУЗЛИ
МУСОБАҚА

маълум қилишларича, шу йил 12 октябрь куни Лондон шаҳридаги «Шай Вайкомб» спорт мажмуида кураш бўйича «Ислом Каримов» учинчи аънавий турнири бўлиб ўтади.

Мусобақада таниқли полвонлар билан бир қаторда, турли вазн тоифасида ёшлар, ўсмирлар, спорт фохрийлари голиблик учун гиламга чиқади. Шунингдек, қизлар, аёллар ва фохрийлар ҳам беллашади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири

Бухоро шаҳридаги «Хумо» спорт мажмуида бир ҳафта давом этган халқаро «Челленжер» турнири ниҳоясига етди.

Турнирнинг финал баҳсларида голландиялик Ван Лоттум Жон ва грециялик Ласис Мазаракис кортта чиқди. Голландиялик теннисчи Бухорода ўтказилган «Челленжер» халқаро турнирининг барчасида иштирок этган. У ўтган йили финалда Ўзбекистоннинг биринчи рақамли ракеткачиси Олег Огородов билан учрашиб, галабани ўз фойдасига ҳал қилган эди. Осиё ўйинлари боис О.Огородов бу йилги «Челленжер» турнирида иштирок этмади. Мамлакатимиз етакчи ракеткачиларидан бири Дмитрий Мазур эса нимчорак финалда Ласис Мазаракисга имкониятни бой берди.

Ласис Мазаракис жаҳон

БУХОРО
«ЧЕЛЛЕНЖЕР»И
ЯКУНЛАНДИ

кучли теннисчилари таснифида 206-ўринда туради. Унинг рақиби Ван Лоттум Жоннинг рейтингини анча юқори — 128-ўрин. Бундан қарангки, улар саккиз кун илгари Самарқандда ниҳоясига етган «Челленжер» турнири финалида ҳам рўбарў келиб, унда Ласис бош совринни кўлга кiritган эди.

Бухоро «Челленжер»и уларнинг яни бир бор куч синошишларига имкон берди. Бироқ бу гал «улоқ» голландияликда кетди. Шундай қилиб, Бухоро «Челленжер»и голиби Ван Лоттум Жон жаҳон теннисчилари рейтингига юқорилаш имконини берувчи очколарга ҳам эга бўлди.

Илҳом САФАР,
ЎЗА мухбири

ОРЗУЛАРИ ЧАЛУҒ
МУАЛЛИМ

Мақтаб педагогика кенгашида жисмоний тарбия ва спорт ишлари кўриляётгани ўшанда. «Жисмоний тарбия ва спорт ишига Юртбошимиз эътибор бериб турган бир пайтда нега мактабимизда бу ишга эътибор талаб даражасида эмас. Нега? 12-мактабда спорт соҳаси бўйича алоҳида иқтидорга эга бўлган ўқувчилар йўқми?»

Гап айланиб мактабнинг жисмоний тарбия муаллими Абдулаҳат Ҳисомиддиновга тўхтади. Абдулаҳат яна чўрт кесарлигини килди:

— Ҳаммаси тушунарли. Ишни талаблар асосида ташкил этамиз. Гапнинг қисқаси, 12-мактаб спортини жаҳонга олиб чиқаман. Бунинг учун ўзимда ҳам, ўқувчиларимда ҳам имконият бор.

Кимдир кулиб кўйди. Яна кимдир ёнидаги нимадир деб шивирлаб кўйди. У эмас, бу эмас, Абдулаҳат домла жамоа олдида жуда катта ваъда бериб юборди. «Айтилган гап — отилган ўқ». Тўғрими? Мактабни спортнинг барча турларидан баб-баробар юқорига олиб чиқиб бўлмайдику? Имкониятлардан келиб чиққан ҳолда спортнинг қайси соҳаси бўйича ўқувчиларни жаҳон майдонига олиб чиқиш мумкин?.. Абдулаҳат домла узок ўйлади ва бир тўхтама келгандай бўлди. Волейбол маъқул. Чунки спортнинг бу турига ишқибоз кўп.

Барча ишлар режалаштирилиб, қоғозга тушди. Иш бошланди. Мактабда биратўла ёш даражасига қараб 2 та ўғил болалар жамоаси, яна 2 та қиз болалар жамоаси тузилди. Машқ устига машқ. Дам олиш онларига назарий билимлар берилди. Хуллас, Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 12-мактабда спортнинг волейбол соҳаси биринчи даражадаги ишга айланди, кўйди.

Орадан 2 йил ўтиб волейболчи болалару қизлар ўзларини кўрсата бошлади. 1996 йилда йигитлар туман голиби бўлишган бўлса, 1997 йилда қизлар аввалига туман, сўнг вилоят голиблигини кўлга киритишди. Хуллас ана шу йиллардан буён 12-мактаб волейболчилари туман ҳамда вилоятда фақат голиблар қаторида келишаётди.

Мақтаб волейболчи қизлари ўтган ўқув йилида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида аввалига Узун туманида, сўнг Сурхондарё вилоятида голибликни кўлга киритишиб, мусобақанинг Республика босқичида Фаргона шаҳрида Сурхондарё вилояти номини химоя қилдилар.

— Мусобақанинг Республика

эмас. «Умид ниҳоллари»нинг галдаги мусобақасида қизларимиз ўзларини кўрсатишди, деб ўйлайман. Биз янги ўқув йили бошланиши билан машқларимизни бошлаб юбордик...

Юксак чўққиларга биз эндигина кўтарила бошладик. Спорт бўйича ўқувчиларимиз албатта жаҳон майдонига чиқишади. Бир неча ўқувчиларимиз олийгоҳларнинг жисмоний тарбия ва спорт факультетларида таҳсил олишапти. Улардан ҳам умидларимиз катта. Эртами, индинми, улар ҳам сеvimли волейбол ўйинимиз бўйича жаҳон майдонига чиқишади, деган умидимиз бор...

Доноларимизнинг айтишларича, орзулари улғ инсонларга толе мадақкор бўлармиш. Бас,



босқичида ўқувчи қизларимиз кўнгилдагидек ўйин кўрсата олмадилар — дейди А.Ҳисомиддинов. — Лекин, ўқувчиларимизнинг республика миқёсидаги энг нуфузли мусобақаларда илк бор қатнашаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, натижамиз ёмон

шундай экан, Узунда туриб узокни кўзлаётганларнинг ором билмас қалбидаги қат-қат орзулари кун ўтиб бир кун албатта ушатишига ишонамиз.

Абдували ОБИДДИН,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Юртимизда ҳар йили ўтказиладиган «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоғи» ҳамда «Тошкент опен» халқаро теннис мусобақалари бутун дунёда ўз мақеи ва обрў-эътиборига эга. Мана шу турнирлар жараёнида мамлакатимизга ўнлаб теннис юлдузлари ташриф буюрмоқда. Айни вақтда мазкур иккита йирик мусобақадан ташқари барча вилоятларимиз ҳар хил халқаро ва маҳаллий теннис беллашувларига мезбонлик қилаётди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонни

ОСИЁ
ЧЕМПИОНАТИ
ЎЗБЕКИСТОНДА
ЎТКАЗИЛАДИ

теннис мамлақати деб баралла айтиш учун асос бўла олади.

Шу йил 14-20 октябрь кунлари Тошкентда Осиё теннис федерацияси ва Ўзбекистон теннис федерацияси яна бир нуфузли мусобақа — Осиё чемпионатини ўтказди.

Осиё теннис федерацияси (ОТФ) Халқаро теннис федерациясининг таркибий қисми бўлиб, унинг қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Унга Осиёнинг 43 мамлақати аъзо-дир.

Ko'ngil bitiklari

БОЛАЛИК

Сенинг соф, бегубор кўчаларингда
Ахтардим ҳамиша шодлик ва кулгу.
Эркалаб эртақлар айтдинг тунлари,
Кўнглимда уйғотдинг покиза туйғу.

Нурдек интилади жиловсиз ҳаёт,
Соғинчга айланиб қолдингми охир.
Тилларимга бериб жўшқин бир баёт,
Янги дунёларни айладинг зоҳир.

Ҳаётга ташнаман чопганим сари,
Мендан йироқлашиб борарсан ҳайҳот.
Мунаввар тонглар-ла уйғотган саррин
Шаббода мисоли ўтарсан, наҳот?

Дилноза НАМОЗОВА,
НДПИ хузуридаги
академик лицей ўқувчиси

МУЖТНИ МАДАДДАР

— Менга ўхшаб мунча қорасан, —
деди Мўри Қозонга.

— Сенга ўхшайман, ахир менинг
ичим қора эмас, — деди Қозон.

— Юз-кўзимни намунча ишқалама-
санг, — деди Капгир Ювғичга, — қара,
титилиб, адои тамом бўлибсан.

— Кўзингни ёғ босмасин дейман-да,
— жавоб қилди Ювғич.

— Битта ҳарфни ортиқча ёзиб юбо-
рибсизми? — деди Луғат Қаламга
синчковлик билан.

— Э-э-э, кечирасиз, адашибман, —
деди Қалам.

— Бундан буён қўшиб ёзиш бўлма-
син! — огоҳлантирди Луғат.

Жаҳл отига қамчи босиб, ҳар куни
кириб чиқадиган эшикни қарсиллатиб
ёпмоқчи бўлиб, қулочкашлаб турган
Кўлга:

— Аста ёп, яна қайта очишинг бор!
— деди Ақл.

— Ўзинг зўр меҳнаткашсан-ку, аммо
жигилдоннинг ногорасига ўйнаб, би-
ровнинг қўлига қараганинг ёмон-да, —
деди Виждон қалтираб пул санаётган
Кўлга.

— Яхшилаб ўйлаб кўр, балки бу се-
нинг нуқсонингдир, — деди Кўл Виж-
донга.


Абдулла ЙИЛТИР ўғли,
Балиқчи туманидаги 3-мактаб
ўқитувчиси



Мухтарама
Шодигул
Хусенова!
Таваллуд ай-
ёмингиз мубо-
рак бўлсин,
умри боқийлик,
тани сихатлик
насиб этсин.


Ёшлик шижо-
ати, жозибаси
қалбингизни ҳеч
қачон тарк эт-
масин. Яратган эгам Сизни ас-
расин.

Нурота шаҳридаги
18-мактаб жамоаси
ва оила аъзоларингиз.



Хурматли
Сулаймон
Юсупов!
Сизни тавал-
луд кунингиз бил-
лан самимий му-
боракбод эта-
миз. Жамоамиз-
даги самарали
фаолиятингизни
юксак қадрлай-
миз ва келгуси
ишларингизда омад ёр бўлиши-
ни тилаймиз. Оилангиз ва яқин-
ларингиз бахтига соғ бўлинг.

Пастдарғом туманидаги
58-мактаб
жамоаси ва
фарзандларингиз.



Хурматли
Хушбоқ
Тангриев!
Сизни кутлуг 60
ёшингиз билан чин
юрақдан муборак-
бод этамиз.
Сизга узоқ умр,
сихат-саломатлик
тилаймиз. Бахти-
мизга ҳамиша омон бўлинг.

Чуқур эҳтиром билан ҳамкасб-
ларингиз ва
фарзандларингиз.

НОМУСНИ
БУТЛАБ БЎЛМАЙДИ

Олма тагига олма, ўрик тагига ўрик тушади, деган фикрларга амал қилиб, бола оиласида кўрганидан ўрнак олиб катта бўлади, десак янглишмаймиз. Аммо бугун замон бошқа, давр ўзгача. Яхшими ёмонми, ҳар бир оилада телевизор, видеомагнитофон бор. Унда бутун оламнинг янгиликлари берилиши билан биргаликда гоҳида ёмон фильмлар ҳам намойиш қилинади. Бундай киноларни фақат катталар кўриши кафолатланганда эди... Бола қўлидаги ўйинчоқни ёриб кўришга ишқибозу сиз яшириб кўрган кинони кўришга бефарқ бўларди десак янглишмаймиз.

Шу боис, бугунги кунда чет эл киноларига ишқибоз бўлиб, нимани кўриш керагу нимани кўрмаслик лозимлигини фарқлай олмасак, оқибати яхши бўлмайди.

"Кўшнимнинг ўғли ҳовлида турган машиналардан бирининг олд ой-насини синдириб қўйибди, — дей-

ди танишларимдан бири. Отаси болам, нега синдиридинг деса, мен ўртоқларим билан бахшлашиб синдиридим. Ютдим дада, дермиш.

— Ҳеч қачон Же Ки Чан бўл-
майсан, — деди ўртоғим.

— Мен ундан ҳам зўр бўламан,
— деб исботладим.

Шундай қилиб бўлажак "Же Ки Чан" отасини нақд юз мингга туширди. Ойнани бутлаш, ҳеч бўлма-са алмаштириш мумкин. Аммо бундан ҳам даҳшатлироғи номусни бутлаб бўлмайди. 16-17 яшар қизлар билан кечган ишқий муносабатларини шертовда сўзлаб бераётган йигитчаларнинг айримлари ёмон кинолар туфайли шундай иш қилиб қўйганликларини ўз оғзи билан эътироф этишгач, салбий кинолар ёзилган кассеталарни парчалаб ташлаётганини келади.

Иброҳим АХМЕДОВ,
милиция майори

Киночилар уйда бўлиб ўтган, режиссёр Зулфиқор Мусоқов яратган "Осмондаги болалар" фильмининг тақдиротидан сўнг, томошабин яхши ўзбек бадиий фильмлари яна биттага кўпайганлигини ҳис қилган бўлса ажаб эмас.

Балоғат ёшидаги тўрт ўсмир бугунги кун ташвишлари, ўй-хаёллари билан яшайди. Бирининг отаси бой-бадавлат, лекин онласига хиёнат қилади, бирининг отаси чи, уйдаги бор нарсани сотиб, ради, яна бирининг отаси саласи совиган режис-Хамдам, Бахтибарчаникири-

Пул топиш, сигарета ва нос чекиш, ахлоқсиз фильмларни томоша қилиш, хуллас, бугун биз ёшлар тарбиясини бузаяпти деб ҳисоблаганимиз — ҳамма нарса билан уллар ошно. Лекин фильм қаҳрамонларининг юрагида эзулик, муҳаббат, ота-онасига ҳурмат, дўстга садоқат каби туйғулар ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Тўрт оғайнидан уч нафари бир қизга ошиқ. Лекин учови ҳам буни билдирмайди. Синфдош қизнинг самимий ва бегубор муҳаббатига фақат Хамдам эришади.


Бош ролларни олий ҳамда ўрта махсус билим юртларида таълим олаётган ёшлар ижро этган. Фильмда, шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов, актёрлар Нозим Тўлаҳўжаев, Жумадилла Раметов, Саида Раметова, Зуҳра Ашуровалар суратга тушишган.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ЯНА БИР ЯНГИ ФИЛЬМ

"МАТЕМАТИКА"

1. Ал-Хоразмий асос солган фан.
2. Ибботи талаб қилинмайдиган жумла.
3. Текисликни аниқлайдиган асбоб.
4. Бирҳадларнинг алгебраик йиғиндиси.
5. Француз математиги.
6. Энг содда кўпбурчак.
7. Мунтазам кўпбурчак.
8. Бир нуқтадан чиқувчи икки нур ҳосил қилган фигура.
9. Француз математиги.
10. Энг кичик туб сон.
11. Биринчи жуфт сон.
12. Теоремаларни исботлаш учун асос бўлган жумла.
13. "Пи" сонини кашф этган қадимги юнон олими.
14. Айланани тенг иккига бўлувчи кесма.
15. Рақамлар тури.
16. Алгебраик ишора.
17. Математика бўлимларидан бири.
18. Сонларни ихчамлаш усули.
19. Юма-



ЧАЙНВОРДИ

лоқ геометрик жисм. 20. Айлана билан марказ орасидаги масофа. 21. Марҳум атоқли ўзбек математиги. 22. Маш-хур француз математиги. 23. Фақат бирга ва ўзига бўлинадиган сон. 24. Ньютон икки ҳади. 25. Бир ва ноллар билан ифодаланган сон. 26. Немис математиги. 27. Тригонометрик функция. 28. Геометрия бўлимларидан бири. 29. Бирининг иккига бўлинмаси. 30. Алгебраик ишора. 31. Вақт ўлчов бирлиги. 32. Бурчак тури. 33. Грек ҳарфи. 34. Тригонометрик функция.

Тузувчи:
Турсунали ҒАНИЕВ,
Бувайда туманидаги
13-мактаб ўқитувчиси

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касба уюшма кўмитаси ва Биология—тупроқшунослик факультети жамоаси Умуртқасизлар зоологияси ўқув-илмий марказининг раҳбари, доцент Б.А.Мўминовга волидаи мухтарама-си

Мухаббат ая КОМИЛОВанинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Республика Таълим Маркази жамоаси ва Касаба уюшмаси кўмитаси, Услубий тахлилий ахборот бўлими бошлиғи Ирина Носировага онаси

КИМ Ренгина Алексеевнанинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ жамоаси "Ўзбекистон тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент

Анвар Барноевич АЛИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг фахрий ўқитувчиси Маҳмуда Одилваннинг турмуш ўртоғи

Сирождин аканинг
вафот этганлиги сабабли унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АХМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҲИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот Кўмитасида
№ 20 рақам билан 12 июнь
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-929.
Тиражи 23331 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир:
Хусан НИШОНОВ.
Навбатчи:
Абдулҳамид МУХТОРОВ.

«Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42,
хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23,
умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касба йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси 41-уй

Босишга тошириш вақти—21.00.
Тоширилди — 21.00